

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК (894.375)

“Ўзбек адабиёти” кафедраси

**ЗУФАРОВА МАЛИКА АБДУМАННОПОВНАНИНГ
“БУГУНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ЛИРИК “МЕН”НИНГ
ИФОДАЛАНИШИ”**

Мутахассислик: 5A141102-Ўзбек адабиёти

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Ҳимоя қилишга рухсат
Магистратура бўлими бошлиғи
_____М.Эсанов

2012 й «____»июнь

“Ўзбек адабиёти” кафедраси
муздари_____ К.Муллахўжаева

Илмий раҳбар: п.ф.д., проф
_____ М.Мирқосимова

ТОШКЕНТ-2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.

1-БОБ. Шоир Муҳаммад Юсуф шеърятининг бадийлик мезонлари.....6

1.1. Лирик “мен” ифодасида кечинма ва фикр уйғунлиги.....6

1.2. Шоир ижодига хос халқчиллик.....16

1.3. Лирик изчиллик ва композицион бутунлик..... 20

2-БОБ. Сирожиддин Саййид ижодида поэтик фикр салмоғи ва “мен” ифодасидаги рамзийлик.....34

2.1. Сирожиддин Саййиднинг ифода услуби.....34

2.2. Сирожиддин Саййид “Сўз йўли” поэтик хусусиятлари.....47

3-Боб. Ҳалима Худойбердиева ижодини таълим босқичларида ўргатиш.....58

3.1. Ҳалима Худойбердиева ижодини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўргатиш бўйича таълим технологияси модели.....58

3.2. Ҳалима Худойбердиева ижодини ўргатишга йўналтирилган дарс лойиҳаси.....59

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....66

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....73

ГЛОССАРИЙ

АННОТАЦИЯ

Кириш.

Жамиятимиз ҳаётининг маънавий жиҳатдан юксалишида адабиёт ва санъатнинг роли беқиёс. Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарларида алоҳида таъкидлаб ўтганларидай: *“Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси наст бўлиши муқаррар”* {5. 33},- деган эдилар.

Миллий истиқлолнинг йигирма йили мобайнида ўзбек шеърляти шаклий жиҳатдангина эмас, мазмунан ҳам бойиди, янгича поэтик тафаккур инсон шахсининг ботиний оламига, қалбидаги турфа эврилишларга ва маънавий камолот йўлидаги интилишлари замирига кириб борди. Замондошимиз ўй-кечинмалари, қиёфаси, руҳияти, ҳис-туйғулари тадқиқи поэтик тафаккурнинг марказига қўйилмоқда. Бу ҳолат воқелик ва инсон талқинида янгича ғоявий-бадий изланишлар билан индивидуал ёндашувларни тақозо этади.

Халқ шоирлари, истедодли қалам соҳиби сифатида танилган Муҳаммад Юсуф ва Сирожиддин Саййид ҳам айни жиҳатлардан ўрганишга арзирли ижод намуналарини яратиб, халкимиз меҳр муҳаббатига сазовор булганлар. Улар ўтган асрнинг 80-йиллар охири 90-йиллар давомида, истиқлол йилларида яратган шеърларида анъанавий мавзуларда ижод килган булсалар, истиқлол даврида янгича шаклий изланишлар орқали уз маҳоратларини намойиш килганликлари кўзга ташланади.

Мавзунинг долзарблиги: Бугунги ўзбек шеърляти давр руҳини қамровли поэтик ифода қилиш имкониятларини ранг-баранг услублар орқали намоеън этмоқда. Замондошимиз маънавий олами, туйғуларига хос эврилишлар қатор ижодикорлар яратган шеърлар марказидаги қаҳрамон ёки шоир “мен”и орқали ифодаланганки, диссертация ишимизда айни муаммо тадқиқ қилинганлиги унинг долзарблигини белгилайди.

Ҳар бир ижодкор ўзига хос услуб эгаси: улар бетакрор услуби орқали ўз поэтик оламини яратади. Поэтик маҳоратни эгаллаш йўлида мураккаб ва машаққатли ижодий такомил жараёнини бошидан кечиради. Воқеликни ўзлаштиришдан поэтик идрок этиш ва тасвирлашгача бўлган ижод босқичларида маҳорат қирраларини намоён этадилар. Мазкур магистрлик диссертациясининг мақсадини Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид каби таниқли халқ шоирлари ижодини таҳлилу тадқиқ қилиш орқали “лирик мен” ифодасини белгилаш, улардан ҳар бирининг ўзига хос услуби билан маҳоратини лирик қаҳрамон талқинига боғлаб ёритиш ташкил қилади. Ишда таниқли шоира Ҳалима Худойбердиева ижодини таҳлил қилиш ва ўрганишга оид таълим технологияси модели ҳам ёритилди.

Тадқиқот мақсади: Мазкур магистрлик диссертациясининг мақсадини Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид каби таниқли халқ шоирлари ижодини таҳлилу тадқиқ қилиш орқали “лирик мен” ифодасини белгилаш, улардан ҳар бирининг ўзига хос услуби билан маҳоратини лирик қаҳрамон талқинига боғлаб ёритиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

1. Бугунги ўзбек шеърятига хос етакчи эстетик тамойилларни ёритиш.
2. Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид поэтик маҳоратини “лирик мен” ифодасига боғлаб ўрганиш; қатор шеърый тўпламларини таҳлилга тортиш; ўзига хос услуби ва маҳоратини асослаш.
3. “Лирик мен” ифодаси орқали ҳар қайси шоирнинг ўзига хос қиёфасини, поэтик тафаккур тарзини белгилаш.
4. Ўрганилган илмий муаммолар юзасидан хулосалар чиқариш.

Тадқиқот объекти:

Халқ шоирлари Ҳ.Худойбердиева (Сайланма, Т.: Шарқ, 2010), Муҳаммад Юсуф (“Сайланма”, Т., Шарқ, 2004), Сирожиддин Саййид (Сўз йўли. Сайланма. 1-2-жилд. Т., Шарқ, 2010) шеърый тўпламлари ташкил этди.

Тадқиқот предмети:

Бугунги ўзбек шеъриятида лирик “мен” ифодаси тадқиқи.

Тадқиқотнинг илмий фарази:

Бугунги ўзбек шеъриятига хос етакчи эстетик тамойилларни белгилаш ва ҳозирги ўзбек шеъриятида лирик “мен” ифодасини тадқиқ қилиш орқали унинг тараққиёт тенденциясини кўрсатиш имкони яратилади.

Тадқиқот методлари: Илмий талқин, биографик метод, қиёслаш, структурал таҳлил ва тадқиқ, умумлаштириш.

Тадқиқотнинг ишланганлик даражаси: халқ шоирлари Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид ижоди бўйича М.Қўшжонов, У.Норматов, Б.Назаров, Н.Каримов, Қ.Йўлдошев, Н.Раҳимжонов каби таниқли адабиётшунос олимларнинг илмий мақолалари, рисолаларига кирган адабий портретлари мавжуд. Сўнги йилларда “Муҳаммад Юсуфнинг поэтик маҳорати” номли номзодлик диссертацияси тадқиқотчи Давронова Маҳфуза томонидан ҳимоя қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: мавзу юзасидан бошқа йирик тадқиқот ишлари яратилган эмас. Мазкур магистрлик диссертацияси биринчи монографик иш эканлиги унинг илмий янгилигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг тажриба - синов майдони – Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тили ва адабиёти” факультети бакалаврият таълим босқичида “Ҳозирги адабий жараён”, “Миллий уйғониш ва истиқлол даври адабиёти” ҳамда магистратура босқичида “Мустақиллик даври адабиёти” фанларини ўқитиш жараёни ташкил қилади.

1-БОБ. ШОИР МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ

1.1. Лирик “мен” ифодасида кечинма ва фикр уйғунлиги.

Лирик кечинма тўғрисида қатор адабиётшунослар тадқиқотларида фикр билдирилган. Қадим давр файласуфларидан Аристотель , Абу Наср Форобий , Буало ; немис файласуфи Гегель , рус адабиётшунослари В.Г.Белинский , Н.Г.Чернишевский, Н.А.Добролюбовлар, ҳамда асрнинг етук адабиётшунослари В.М.Жирмунский, Б.Эйхенбаум, И.А.Гринберг, Л.И.Тимофеев, Г.Н.Поспелов, Л.Озеров, Т.И.Сильман, В.Кожин, В.Иванисенко кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, ўзбек адабиётшуносларидан И.Султон, А.Қаҳҳор, Ойбек, Б.А.Назаров, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов, И.Ғафуров Б.Акрамов, О.Абдуллаев, И.Ҳаққулов , С.Мелиев , Б.Саримсоқов каби олимларнинг назарий фикрлари ҳам қимматли. Биз шоир ижодида лирик кечинма ва фикр уйғунлиги масаласини юқорида қайд этилган олимларнинг назарий фикрларига таянган ҳолда тадқиқ этамиз.

Адабиётнинг мазмуни ҳақида гап борар экан, уни лирикасиз тасаввур этиш қийин. Чунки ушбу турда инсон, унинг ҳаёти билан боғлиқ воқеалар, ҳодисалар, ички кечинмалар ўз аксини топади. Лирикада инсоннинг ички кечинмалари жунбушга келади. Кечинма лирик поэзиянинг характерлантирувчи кучи ва асоси, унинг моҳиятидир. Демак, лирикада Аристотель таъбири билан айтганда, “Тақлид қилувчи ўз қиёфасини ўзгартирмайди”, балки инсон ўз ҳолича қолади .

Лирика – кечинма шаклида берилган бадиий фикр билан иш кўради. Лирика эпосдаги ҳукмрон мавқени эгаллаб, драма воқеаларини ўзида сингдириб юборади.

Лирик кечинма ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг таркибини ташкил этган тушунчаларни англаб олмоғимиз лозим. Лирик кечинманинг таркибини фикр ва ҳис ташкил этади. Фикр ва ҳис муносабатлари В.Г.Белинский талқинича “ ҳис нима, деган маслани ҳал қилиш зарур.” Ҳиссиёт ўзининг этимологик маъносига кўра, танимиз, жисмимиз, қонимизга тегишли. Ҳис ва сезгиларнинг ўзаро тафовути шундаки, кейингиси танимизда бирор моддий жисм таъсирида кўзғолган жисмоний сезги. Шу сабабли ҳам қандайдир ҳисоб-китоб ёки қуруқ мулоҳазалар билан машғул бўлган одам ҳиссётидан тўлқинланиб, ларзага тушаркан, кўлини кўкраги ёки юрагига маҳкам босиб олади. Чунки кўкрагида нафаси бўғилади, чунки кўкраги қисади, кенгаяди, ёнади ва совқотади, чунки юраги орзиқади, титрайди, депсиниб уради; шунинг учун ҳам у чекинади ва қалтирайди, кўлларини кўтаради, бутун танини бошдан-оёқ қайноқ тер қоплайди, сочлари тикка туриб кетади. Бинобарин, асар фикрчан, бироқ ҳиссиётдан маҳрум бўлиши мумкинлиги жуда тушунарли; бундай ҳолда, ўша асарда поэзия бўлармикин? Аксинча, асарда ҳис бор экан, фикр бўлиши муқаррарлиги ҳам жуда тушунарли бир ҳол. Табиийки, ҳис теран бўлган жойда фикр ҳам теран бўлади ва аксинча... Муҳаммад Юсуф ижодида лирик “мен” кечинма ва поэтик фикрни бирлаштиришга хизмат қилади.

“Ўлмас Навоийнинг:

Назмки, ҳам суврат эрур хуш анга,

Зимнида маъни даҳи дилкаш анга, мисраларида... “назм зимни” (ичи, мағзи)даги дилкаш маъни... лирик кечинманинг таркибини ташкил этади. Бу тартиб икки элемент – фикр ва ҳисдан иборат бўлиб, яхлит ҳолда эҳтиросли фикр деб аталади... Негаки “назм зимни”даги “маъни” (фикр) “дилкаш” бўлишлиги учун у эҳтиросга ўраб берилиши керак.

Шундай қилиб лирик кечинмада фикр ва ҳиссиёт қоришиқ яшайди. Бугина эмас, улар бир-бирининг мағиз-мағизига шундай сингиб кетадики, ажратиб кўришнинг иложи бўлмай қолади... Бу ажралмас бирлик – бутунлик

лирик кечинманинг моҳиятини ташкил этади. Аммо такомилдаги лирик кечинманинг юзага чиқиши учун яна бир нима талаб этилади. Биз – ўқувчи бевосита кечинма шаклида берилган эҳтиросли фикр (ёки фикрий эҳтирос)нинг шаклланиш усули, ривожланиш жараёнини кузатиб боришимиз шарт. Ана шу ҳолда “мен” ифодасида кечинма – образ яхлит, таъсирчан ҳолда юзага чиқади. Буни асослаш учун Муҳаммад Юсуфнинг “Бешинчи ўғил” шеърига разм соламиз. Ушбу шеърда онадан ажраган бола қиёфаси гавдаланади. Ўғил онадан ажраган. Уни бутун борлиғи билан соғинади. Соғиниш – мавзу. Соғиниш шеърда етакчи лирик кечинма. Унинг воситасида ўғил образи очилиши керак. Бироқ ўз онасини соғинган ўғилни шеърда яхлит, биратўла кўра олмаймиз. Етакчи лирик кечинма – соғиниш бирданига бўй чўзмайди. У бизнинг кўз ўнгимизда шаклланади, ҳаётини қайтарилмас бир жараён сифатида ривожлана боради. Биз уни мушоҳада этамиз. Шу сабабли ҳам ишонамиз. Унинг оқимида соғинаётган ўғил қиёфасини кўриб турамиз. Бу қиёфа тобора равшанлаша бориб, қалбимизга абадий қолади.

*Етмиш юлдуз ёғилиб,
Ярим ойча тўлолмас,
Етти янга йиғилиб,
Битта она бўлолмас.
Она тирик эшикка
Гурбат яқин йўлолмас.
Менинг эса бағрим қон,
Вайронаман Онажон...{49;243}*

Лирик кечинма юкини кўтарган юрак онани қумсаётганини намоён эта бошлайди. Фикр онани қўмсаш орқали яна қайсидир томонга етаклаётгандек бўлади:

*Гарчи биз ёш, зўр эдик,
Сиз бор – биз ҳам зўр эдик,
Бир майизни беш ўғил*

*Тенг бўлишиб ер эдик.
Гоҳ талашсак, ҳақ сўзни
Онам айтсин дер эдик.*

Ўғил онани соғинишдан, қўмсашдан ташқари яна қандайдир бир туйғуни, ниманидир қаттиқ истаётганини, бу истак эса армонли эканлигини сеза бошлаймиз. Шоир бизга ўша ниманидир англлатмоқни кўрсатиш учун ҳам воқеадан чекиниб, лирик қаҳрамон турган жойдан ортга қараб етаклайди. Бу ортга қайтиш ўғилнинг ёшлик, беғуборлик дамларини кўз олдимиздан ўтказди.

*Тирик юрса волиданг
Тоққа кучинг етаркан.
Онанг ўлса, бошингдан
Офтоб ўтиб кетаркан.
Жиндеккина алам ҳам
Тогдек ботиб кетаркан.
Кўксим тўла минг армон,
Тўлғонаман Онажон.*

Шоир бизни шундай рухий ҳолатга солиб қўядики, биз ҳам меҳр-мурувватсиз саҳрода лирик қаҳрамон билан бирга азобланаётгандек бўламиз. Ҳаттоки энг яқин кишиларни ҳам бир-бирига меҳр оқибатли бўлишга чорлаб турувчи ёки шу меҳр нури билан таъминлаб турувчи ёлғиз онаизор эканлигига тан берамиз. Шу нур сўнгандан сўнг, шу онаизор оламдан ўтгандан сўнг, наҳотки, яқинлар бир-бирига бегона бўлиб кетади деган савол туғилади.

Шоир мисраларда оналарнинг болаларга бўлган тенг меҳри сабабли кўёшга ўхшатган бўлса, оламдан ўтгандан сўнг эса уй қоронғу тунга ўхшаб қолади. Қоронғу тун эса азобли. Азоб ҳисларни жунбушга келтиради. Ғалаён кўтарган ҳисларнинг тонглари бефайздир. Уйида ҳаловатини йўқотган ўғил “Фариштасиз остонаман”, дея ҳолатини намоён этади.

*Кўнгил ўзин тутинган,
Бир меҳрибон қўмсайди.
Дунёда бир одамга
Сиринг айтиб бўлсайди.
Онасизни дўсти ҳам,
Душмани ҳам алдайди.
Айтинг ахир, мен кимга
Ишонаман Онажо?..*

Ҳа, мана энди ўғил қўмсаган, шоир айтмоқчи бўлган ниманидир топгандек бўламиз. Бу “ниманидир”, яъни ака-ука, дўсту ёрлар орасидаги меҳр-оқибат. Демак, ўғил фақат онани эмас, балки ўзи учун яқин инсонлар орасидаги меҳрни ҳам қўмсайди, уни ахтаради. Лирик қаҳрамон ҳамма оналарга хос бўлган одатий ҳолдан келиб чиқиб, онанинг болага бўлган меҳрини қўмсайди. Бундай меҳрни ҳеч кимдан топа олмай бутунлай зулматда қолгандек ҳис этиб, ўзини зиё истаб бир ёруғлик илинжида “зор қақшаётган парвонага” ўхшатади. Албатта, бу парвоналик, соғинч ўтидан ёнаётган етим боланинг ноласи эди. Қўмсаш, соғинч нақадар чексиз ва буюк бир муҳит эканлигини ҳис қилар эканмиз, лирик қаҳрамоннинг кенг дунёга сиғмай тор бешикни қўмсаётганлигини кўрамиз. Бу тор бешикнинг бағри кенг. Чунки у онанинг иккинчи тимсоли сифатида шаклланган.

*...Яшаяпман шарпадек
Сезилмай гоҳ, сезилиб.
Гоҳи кўкка интилиб,
Гоҳи ерга эгилиб.
Соғинганда шеър ёзиб,
Юракларим эзилиб –
Эл ичра бир шоири
Девонаман, Онажон.*

Шоир сўнги манзилга етиб келди. Биз истаётган, биз кутаётган соғинч сўзи ишлатилди. Лирик қаҳрамон ўзини шарпадек ҳис қилишига онаси билан биргаликда йўқотган, она меҳри етишмаётганлигини тўлиқ сезади. Шу сабабли одамлар орасида гоҳ бор эканлигини сезиб, гоҳ сезмай, истаклари гоҳи кўкка талпиниб, гоҳо ерга эгилиб яшайди. Лекин шунга қарамасдан юраклари эзилса ҳам соғинганда шеър ёзиб, ҳар қалай, шу соғинч шеърлари орқали эл ичида камсуқумгина шоири девона эканлигини айтади. Қадам-бақадам такомилга етган лирик кечинма – образ (хоҳ соғинч, хоҳ меҳр бўлсин) руҳимизга азоб берса-да, уни тўлдириб бизга умрбод ҳамроз ва жонажон бўлиб қолади. Профессор Б.Саримсоқов лирик кечинмани куйидагича талқин этади: “Ҳаётдаги характерли воқеалар ижодкорнинг диққат эътиборини тортиб, қалбу шуурига ўрнашиб олади, унга ором бермайди, унинг ҳаёти ва фаолиятидаги ўй суриш, мулоҳаза юритиш мувозанатини бузади. Санъаткорнинг қалбини забт этган, унинг оромини, хузур-ҳаловатини бузган руҳий ҳолат лирик кечинма деб аталади.

Лирик кечинма баъзан оний руҳий ҳолат сифатида кечиб, эстетик қиммат касб этувчи маҳсул беради ва йўқолади. Баъзан эса у муайян тугалликка, эстетик қиммат касб этувчи асар сифатида шакллана олмай ижодкор қалбида, шуурида узоқ вақтлар сақланиб юради. Мана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, лирик кечинма воқе бўлиши ва тугал эстетик қимматга эга бўлган асар сифатида шаклланишига қараб икки хил бўлинади: 1. Оний лирик кечинма; 2. Хотира лирик кечинма”.

1. Оний лирик кечинма тўғрисида гапирар эканмиз, Муҳаммад Юсуфнинг “Кетар бўлдим” номли шеърига диққатни қаратмоқчимиз. Бу шеър беш банддан ташкил топган бўлиб, ҳар бир тўртликдаги лирик кечинманинг оғирлиги тенгдир. Бир-биридан кам ёки ортиқ эмас. Бундай ритмик раволик ёки лирик кечинма табиатнинг бу текисликда бўлиши ажабланарли ҳол эмас. Шеърдаги мавжуд қирралардан энг муҳими, яъни поэтик қимматга эга бўлган қирра, шеърнинг номи бўлиб хизмат қилаётган

“Кетар бўлдим” деган тушунчадир. Бу кетишнинг ичида яширин бўлган кетиш, оддийгина кетиш эмас, қандайдир азобли кетиш ёки бўлмаса энг азиз жойидан ҳайдалишга ўхшаб кўринади. Демак, биз тўғри йўлга тушиб олдик. Чунки бундай ҳайдалиш Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Отабекнинг Марғилондан, ёр эшиги олдида ҳайдалиши билан боғлиқдек гўё:

*Ёр, эшигинг очилмади мен учун,
Тилингдан бол сочилмади мен учун.
Уйингдан жой топилмади мен учун –
Кетар бўлдим юзингни бир кўролмай...*

Биринчи тўртликдан кўриниб турибдики, бу эшик дўстлар учун, яқинлар учун ҳамиша очик. Лекин лирик қаҳрамон учун ёпилган. Ёр тилидан ҳамиша бол томади. Лирик қаҳрамон бугун бундай бахтдан маҳрум. Ҳар доим топиладиган жой бугун топилмайди, “Кетар бўлдим юзингни бир кўролмай” мисраси билан банд яқунланган. Беш тўртликда ҳам шу мисра такрорланиб келади. Бу шеър билан юқоридаги асар қаҳрамони Отабекнинг ёр дарвозасидан ҳайдалгандан сўнг майхонада машшоқдан “ҳайдалиш куйини” чалишини илтимос қилганлигининг сабабини, кўнглидан кечаётган азоб изтиробларини бир-бир саналаётганлигини ногоҳ ёдимизга туширади. Мана энди лирик кечинма ва фикр уйғунлиги шеърда анчайин равон эканлигини англаб олдик. Чунки “Оний лирик кечинма” ижодкорда у ёки бу воқеа-ходиса таъсирида фавқулотда туғилади ва қисқа бир вақт ичида муайян шеърини асар сифатида шаклланиши туфайли хулосаланади.

“Оний лирик кечинма ижодкорнинг руҳий, ҳиссий ва ақлий фаолиятига биргаликда бир вақтда кўшилиши туфайли эстетик қиммат касб этувчи тугалликка эришади. Шу боис оний лирик кечинма ўта беқарор ва ўткинчи бўлади. Бироқ ана шундай ўткинчи кечинма олдиндан ўйланмаган, яъни онгсиз равишда, катта бадий кашфиётлар қилишга сабабчи бўлади. Бадий кашфиёт янгича фикрлаш, янгича тасаввур маҳсулидир. Янгича фикрлаш,

кутилмаганлик, фавқулотда муқояса қилиш маҳсули сифатида у илгарилари муқояса қилинган воқеа-ҳодисаларнинг ҳам янги маънолар ифодалайдиган қирра ва хусусиятларини топади, асарни янги тафсил, образ ва ҳиссий кўлам билан тўйинтиради, асар мазмуни яхлитлик, тугаллик ва эстетик қиммат касб этади. Ҳар бир шоирдаги ижодий ўзига хослик оний лирик кечинма таъсирида вужудга келувчи ана шу янгича фикрлашнинг маҳсулидир. Янгича фикрлаш, воқеа-ҳодисаларни янгича идрок этиш, янгича баҳолаш бўлмаган жойда ижодий ўзига хослик, услубий бетакрорлик бўлмайди” {68;88}.

Демак, шундай шеърлар борки, улар воқеа-ҳодиса таъсирида бир бутун куйма ҳолатга келиб воқеа-ҳодисанинг тўлиқ таъсирини бир текис баён этиб бир нуқтага йиғади. Бундай шеърларда биринчи тўртлик якуний хулосага эга бўлади. Шеърни шакллантирган жамийки тўртликларнинг асосий хулосаси шеърнинг биринчи тўртлигида берилган бўлса, шеърнинг охирида шу тўртлик борлиғича такрорланади.

2. “Хотира лирик кечинма ҳам оний лирик кечинма тарзида туғилади. Лекин ижодкор бошлаган шеър тезда якун топмайди. Чунки ё кечинманинг ўта кучли оқими асарни ижодкор кутган даражадаги фалсафий талқинида тугаллашга имкон бермайди. Ёхуд бошқа бирор сабаб билан оний лирик кечинма таъсирида бошланган шеър тўхтаб қолади. Натижада, биргина лирик шеър бир неча йиллар мобайнида ёзилади. Мана шу муҳлат ичида гоҳ хиралашиб, гоҳ ёлқинланиб шоирни ижодга даъват этган лирик кечинмани фақат хотира лирик кечинма деб аташ мумкин” {68;88}.

Бизнингча, хотира лирик кечинманинг яна бир хислати маълум воқеа-ҳодиса ёки маълум предметга бағишланган шеърни ёзиш учун ният қилинган дамдан шу воқеа-ҳодиса ёки предметни кузатиб, уни тўлиқ англаб, фалсафий мушоҳада қилингунга қадар анчайин фурсат ўтади. Балки у кун, ой, йиллар, давомида чўзилар. Бу лирик кечинма тўлиқ етилгандан сўнг, етилган фикр уйғунлиги орқали шеър шаклида ифодаланади. Бундай шеърларга Муҳаммад Юсуфнинг “Лолақизғалдоқ” номли шеъри мисол бўла олади.

*Жон сўнгги бошпана
Топаркан онгда.
У юрак остида
Дердим мен бўлсам.
Ажабланма агар
Эртага тонгда
Сени ўпиб, Ўшни
Қучоқлаб ўлсам!..
Ўтинчим-тепамда
Йиғлама узоқ.
Лола, лолажоним,
Лолақизгалдоқ! {49;273}.*

Шоирнинг “Лолақизгалдоқ” шеъри хотира лирик кечинма тарзида ифодаланган. Муҳаммад Юсуф Шавкат Раҳмон ҳаёти билан яхши таниш. Унинг сўнгги кунларигача ёнида бўлган. Ушбу шеър эса лирик қаҳрамоннинг васияти сифатида рўёбга чиққан. Шоир лирик қаҳрамонининг ички кечинмаларини баён этар экан, унинг сўнгги сафар олдидан орзу-умидларининг рўёбга чиқмаганлигини, бироқ шундай бўлса-да, албатта бу орзу-умидлар рўёбга чиқишига сидқидилдан ишонишини ифода қилади. Айниқса, шоир тилидан “Куз. Тўйлар бошланди. // Юрагим пора // Битта кизимни ҳам // Узатолмадим...// Демак, тақдир экан тўй кўрмай ўлмоқ”, “Бироқ, кўнглим сезар, // Мендан кейин ҳам, // Бир кун бу ҳовлига // Одам тўлади. // Ҳали тўйлар қилиб // Чарчайсан эркам, // Менинг қизларим энг бахтли бўлади!” айтилган сўзлар фикримизни асослайди. Шеър лирик қаҳрамоннинг мурожаати шаклида юзага келган. Шоир бермоқчи бўлган фикр аниқ ёритилган. Лирик қаҳрамоннинг мурожаати хоҳ умр йўлдошига бўлсин, хоҳ ўғлига ўқувчи қалб кўрида мудраб ётган туйғуларни уйғотади ва бетоб ётган беморнинг аҳволини аниқ тасаввур этишга кўмаклашади. Ушбу тасаввур орқали лирик қаҳрамоннинг дил қийноқлари зуҳур этилади. Ўқувчи

буни аниқ ҳис этади. Айниқса, лирик қаҳрамоннинг ўғлига қилган хитоби ўқувчи қалбида ўрнашиб қолади:

Ўғлим, яқинроқ кел,

Қара, не савдо.

Бу ажиб ишларни,

Дил лавҳига ёз:

Кимга қаср етмас,

Кимга мол-дунё,

Менга эса ҲАВО

Етмайди холос.

Муҳаммад Юсуфнинг ушбу шеърини кузатар эканмиз, у шеър ёзилгунга қадар анча воқеаларнинг шоҳиди бўлганлиги англашилади. Шоир Шавкат Раҳмоннинг уйида тез-тез бўлиб, у билан суҳбатлашиб турган. Шавкат Раҳмоннинг қийнаётган барча ички туғёнларини ҳис этган. Натижада шоирнинг Шавкат Раҳмон хотирасига бағишланган ажойиб шеъри юзага келган. Биз юқорида бирор ҳодиса ёки предметни кузатиб, уни аниқлаб олгунга қадар анча вақт ўади, деган фикрни билдирган эдик. Ушбу шеър ёзилишида ҳам худди шундай ҳолат мавжуддир.

Шоир қаҳрамонларининг туйғулари, шоир бераётган фикрга вобаста. Лирик қаҳрамоннинг кечинмалари шоирнинг аниқ йўналтирилган хулосаси билан қоришиб кетган. Унда хоҳ фарзанднинг дардли нолалари бўлсин, хоҳ ошиқнинг севгиси - бу туйғулар лирик кечинманинг асосини ташкил этади. Шоирнинг лирик қаҳрамонлари кечинмаларини нозик бадий буюклар билан ифодалай олган. Бундан ташқари, шоир асарларидаги қаҳрамонлар кечинмаларида сўз орқали вужудга келувчи қалбнинг ажиб ҳолати мавжуд. Бу қалб ҳолатини эса шоир ўзининг гўзал фикрлари билан уйғунлаштирган. Буни кўз эмас, кўнгил билан кўра олиш мумкин. Улуғ мутафаккир Жалолоддин Румийнинг “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил”, деган

ҳикматлари бу ўринда яна бир бор ўзининг моҳият жилоларини намойиш қилади.

Умуман, лирик қаҳрамон образини яратишда лирик кечинма тасвири ва шу тасвир орқали шоир бермоқчи бўлган фикр муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳол эса шоир Муҳаммад Юсуф ижодида уйғун ва тароватлидир.

1.2. Шоир Муҳаммад Юсуф ижодига хос халқчиллик.

Бадиий ижод қайси кўринишда, яъни хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма шаклда бўлмасин, у ўзининг халқчиллигини намоён қилсагина халқ севган асарларга айланади. Адабиётда халқчиллик тушунчасининг мазмуни шундаки, у ўзида халқ руҳини, халқнинг энг илғор хусусиятларини қамраб олади. Халқчиллик ҳақида рус танқидчиси Белинский шундай фикр билдирганди: “... агар халқчиллик деганда бирор халқ, бирор мамлакат одамларининг хулқ-атворини, урф-одатларини ва характерли хусусиятларини ҳаққоний тасвирлашни тушунадиган бўлсак, халқчиллик чинакам бадиий асарнинг зарур шартидир. Ҳар қандай халқнинг ҳаёти фақат унинг ўзига хос шаклларида намоён бўлади, бинобарин, ҳаёт тасвири ҳаққоний бўлса, у халқчил ҳамдир” {14;250}.

И.Султон ҳам халқчиллик тушунчасига алоҳида эътибор берар экан уни қуйидагича таъриф этади: “Халқ манфаатларини у ёки бу даражада ифода эта билган асар халқчилдир. Бу халқчилликнинг бош критерийси (ўлчовидир). Халқчилликнинг яна қуйидаги элемент ёки ташқи аломатлари мавжуд: а) адабиёт ва санъат асарининг халққа тушунарли воситалар билан яратилиши; б) ёзувчи ижодининг халқ ижоди билан чамбарчас алоқаси; фольклорда учрайдиган сюжетлардан, тасвир воситаларидан, қаҳрамонларни тавсифлаш усулларида ва ҳоказолардан фойдаланиш; в) адабиёт ва санъат асарида меҳнаткаш халқ ҳаётининг ва халқ ҳаётида ижобий роль ўйнайдиган қаҳрамонларнинг тасвирланиши; г) адабиёт ва санъат асарида муаллиф мансуб бўлмаган “бегона” халқлар ҳаётини объектив тасвирининг

мавжудлиги, яъни ёзувчи ижодининг халқлар тенглиги ва дўстлиги руҳи билан суғорилган бўлиши” {71.104}.

Т.Бобоев эса халқчиллик тушунчасини таърифлар экан уни санъат ва адабиётнинг бадиийлигини белгиловчи муҳим фазилатлардан бири деб эътироф этади. Шу қаторда “... халқ учун аҳамиятли бўлган ҳаётий масалаларни ўртага қўйиш, халқ ҳаётининг энг муҳим томонларини акс эттириш, меҳнаткашларнинг порлоқ орзу-умидларини ва идеалларини ифодалаш” халқчилликнинг муҳим тамойили деб ҳисоблайди {16;82}.

Демак, бадиий адабиётнинг вазифаси халқнинг ҳаёти ва турмуши, унинг орзу-умидлари, манфаатларини тасвирлашдан иборат. Шунингдек, халқчиллик халққа хос бўлган хусусиятларни асардаги қаҳрамонлар характерида акс этиши, халқ тилида ёзилиш, унда фразеологизмлар ва образлардан фойдаланишида ҳам англашилади.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, ҳаққонийлик – реаллик халқчилликнинг асосий элементларидан бири бўлиб, у адабиёт ва санъат асарларида тасвирланаётган макон ва замон бирлигидагина у ўз ифодасини тўғри англади, деган хулосага келиш мумкин.

Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг эрк ғоялари адабиёт ва санъатда ҳам ўз аксини топа бошлади. Худди шундай орзулар қанотида ўзбек адабиётида халқнинг ўтмиши, бугуни ва эртасини куйлаган шоирлардан бири Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид саналади. Шоирнинг кўплаб шеърлари халқ поэтик ижодидаги шаклларга яқин туради. Бу эса шоирнинг халқ поэтик ижодини тинимсиз ўрганиб, улардан озиқланганлигини ва ижодий фойдаланганлигидан далолат беради. У ўз ижодида гоҳ халқ кўшиқларидан, лапарлардан фойдаланса, гоҳ халқ мақолларию ибораларини маҳорат билан шеърга сингдириб юборади. Шу билан биргаликда, шеърларни халққа тушунарли бўлган сўзлашув услубида ёзади ва шу тил орқали халқ дардини куйлашга интилади. Бу эса шоир ижодини халқ қалбига яқинлаштирувчи омиллардан биридир.

“Кечагина қишлоқдаги қизларнинг бари”, “Кўнглимдаги ёр”, “Онаизор”, “Самарқанд”, “Келинчак”, “Эслаш”, “Севги садоси”, “Мадҳия”, “Ифтихор”, “Ватаним”, “Чимилдиқ”, “Халқона”, “Ажаб”, “Қиёси йўқ асло” каби асарлари халқчиллик билан суғорилган шеърлар қаторидан ўрин олган. Муҳаммад Юсуф шеърлятидаги халқчиллик масалаларига тўхталиб айтиш мумкинки, шеър шоирнинг муайян бир кайфиятидан, кечинмасидан дунёга келади. Шоир кечинмаларининг қоғозга қай шаклда кўчиши унинг бадиий тафаккури оламидан, ўзига хос сажиясидан дарак беради. Чунки шеър – шоирнинг ўзлиги, унинг моҳияти. Шунга кўра, Муҳаммад Юсуф ижодида халқона тафаккур тарзининг устунлиги шоирнинг фикрлаш ва турмуш тарзи, дунёқараши, боринги, бутун борлиги халққа жудаям яқин эканлигидан, руҳиятидаги тўлқинлару ҳиссиёт мавжларини бошқача ифодалай олмаслигидан далолатдир. Шу сабаб шоир ҳар бир тасвирланаётган воқеа-ҳодисага, масалага халқ манфаатлари ва орзу-умидлари нуқтаи назаридан ёндашади, умуминсоний дунёқарашни ва ғоявийликни намоёниш этади.

Муҳаммад Юсуф “Халқ бўл, элим” шеъри орқали халқ онгига бирдамлик, ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик каби ғояларни сингдиришга интилади. Бу ҳаракат шеърнинг бош пафосига айланган. Ушбу шеър халқни бирдамликка чорлаши билан ажралиб туради. Шоир Муҳаммад Юсуф эса элни халқ бўлишга чорлаб тарихнинг аёвсиз ғилдираги остида топталиб келган, собиқ Иттифоқ даврида ўзининг кимлигини ҳам унуттаётган элини, халқ бўлиб яшашига умид кўзи ила қарайди. Халқ бўлиб бирлашган ва яшаган даврларини эса бир-бир эслатади.

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,

Қумлар босиб қуримасин дарёларим.

Алломшига алла айтган момоларим

Руҳини шод этай десанг – халқ бўл, элим”..{49;22}

Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжон таъриф берганидек, қадимий Турон ўлкасининг “кокилини ювиб турган икки дарё” ўзлигини унутиб қаровчиз

қолиб, қумлар босиб қуримаслигини тилайди. Ўз тарихи, ўз маънавиятига эга бўлган она юртнинг ўз наволари қайтишини истаб, шу юртнинг шон-шуҳратини ҳимоялашга бел боғлаган алп йигитларнинг бешигини тебратган момолар руҳини шод этишга, элни бирдамликка чорлайди.

*Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна,
Довруғи ҳам дарди сендек ким бор яна.
Халқ бўлишга ҳадди сендек ким бор яна,
Мозийни ёд этай десанг – халқ бўл элим.*

Тарихи кўзни қамаштирувчи буюк Турон ўзининг Зардўшту Афросиёби, Амир Темуру Улуғбеки, Навоию Бобурлари билан ҳам ифтихорлидир. Бирок тарихнинг дардли томонлари ҳам борки, булар Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, араблар истилоси ва собиқ совет тузуми билан ҳам боғланиб кетади. Бу дардларни ўз елкасида кўтара олган элни шоир халқ бўлишга ҳаддинг бор, дея эътироф этади. Тарихда доврўғи бутун жаҳонга таралган элни қаддини тик тутиши учун ҳам мозийга боқишга ундайди.

*Сен тебратган бешигини Соҳибқирон
Сенинг боланг юлдузларга қўйган нарвон,
Бир майизни қирққа бўлган бир тану жон
Кунларингга қайтай десанг – халқ бўл, элим.*

XIV аср буюк Туроннинг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келди. Бу юртнинг гуллаб-яшнашида оламга донг таратган, тарихда жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган, номи адабиётларда дostonларга айланган жаҳонгир – Амир Темур ва унинг набираси Улуғбекнинг хизматлари беқиёсдир. Уларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли эл халқ даражасига, қудратли давлат даражасига кўтарилди. Бу эса халқни бирлаштириб бир тану бир жон бўлиб ҳамжиҳатликда яшашга ундаган. Шоир элни халқ даражасига кўтарилишида сабр-қаноат, бирдамлилик, ҳамжиҳатлик каби хусусиятлар муҳим аҳамият касб этганлигини сўзлаб, халқимиз қонига сингиб кетган “Бир майизни қирққа бўлган” иборасини ишлатади ва умуминсоний дунёқарашни

шакллантиришга ҳаракат қилади. Бу иборанинг мантиқида фақат Туронликларга хос бўлган маданият, таълим-тарбия бўлиб, унданда хулоса чиқаришга ундайди. Мисрадан мисрага ўтар эканмиз, шеърнинг ҳар бир бандида тасвирланган воқеа-ҳодисалар халқнинг манфаатлари ва орзу умидлари нуқтаи назаридан ёндашганлиги фикримизни тобора ўзига тортади. Бундай ёндашиш умуминсоний дунёқараш ва ғоявийликни ҳам намоён этади.

Дарё бўлиб жўшгин энди завқи улуг,

Байрамингда севинч кўз ёшингга қуллуқ.

Юртим деган жасур Юртбошингга қуллуқ,

Унга қанот бўлай десанг – халқ бўл элим.

Шоирнинг лирик қаҳрамони ўзи истагандек мустақил, озод юртда яшар экан, бу юрт, унга завқ бағишлайди. Халқини бу эрдан дарёдек жўшишини, мустақилликдан завқланишини хоҳлайди. Эрк шодиёнасини халқ байрамларига айланишини чин дилидан истайди. Бу истак эса халқ байрамларида ўзи хоҳлаганидек халқнинг севинч кўз ёшларига айланади.

Шеърга сингдирилган бош ғоя элни халқ бўлишга чорлашдир. Бу ғоядан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, кишиларнинг азалий орзуси лирик “мен” ифодасида рамзий образлардан фойдаланиш натижасида халқчиллик касб этган.

1.3. Лирик изчиллик ва композицион бутунлик.

Композиция бадий асарни юзага чиқарадиган барча поэтик восита ва унсурларни ўз ичига қамраб олади. Композиция тўғрисида В.М.Жирмунский {29;408}, Л.И.Тимофеев {73;448}; {74;344}, И.Султон {71;408}, Н.Шукуров {82;248}, Жамол Камол {34;142} каби адабиётшуносларнинг мулоҳазаларидан қуйидаги ҳолат намоён бўлади:

1. Композиция бадий асардаги алоҳида тасвир воситаларнинг ўзаро алоқадорлигидан келиб чиқувчи тизимдир. Композиция бадий асарнинг барча жиҳатларини қамраб олади;

2. Матнда ўз аксини топган адабий тасвиринг муайян шакллари (диалог, монолог, пейзаж, образли тасвир ва бошқалар) композиция бўлакларидир.

Таниқли адабиётшунос олим Н.Шукуров композиция бўлаклари ҳақида куйидаги фикрларни билдиради: “Композиция бўлаклари асарнинг ғоявий-тематик мазмунини янада бўрттириб кўрсатиш учун, воқеа-ҳодисаларни аниқ тасаввур эта оладиган ва чуқур ҳис қиладиган, кучли ҳис-ҳаяжон уйғотиш учун хизмат қилади. Бўлақлар ана шандай аниқ, мақсадга бўйсундирилгандагина бадий асарнинг таркибий қисмига айланиши, унинг ажралмас бўлаги бўлиб қолиши мумкин.

Бадий асардаги барча бўлақларни ғоявий-бадий мукамалликни вужудга келтирадиган тарзда жойлаштириш ёзувчидан катта усталик ва маҳорат талаб этади” {82;43}. Албатта, Муҳаммад Юсуф ижодининг илк даврларида асарларининг композицияси пишиқ ишланган дея олмаймиз. 80-йилларда шоир машқ даврини ўтади, десак хато бўлмас. Ёш шоир бу даврда шеър композициясини мунтазам ҳолатга келтириш учун ўзига хос қийинчиликларни бошдан кечирди. У ижодининг дастлабки йилларида композицион тузилиш жиҳатидан баъзи камчиликларга йўл қўйган эди. Масалан, “Нозим Ҳикмат”, “Баҳор ўтди”, “Яна қуёш чиқди”, “Мен эртақлар ўқиб тунлари” каби шеърлари композицион жиҳатдан мукамал шеър эмас. Шоирнинг бу асарларида шеър тугалланмагандек, шеърнинг маъно жиҳати ҳам пишиқ ёритилмагандек таассуротни уйғотади. Ушбу фикримизга шоирнинг ижодидан бир мисол:

*Дўстим мени алдади,
Дардим ичимда қолди.
Энди тинчим йўқолди,
Дўстим мени алдади.*

Муҳаммад Юсуфнинг “Булбулга бир гапим бор” тўпламидаги айрим шеърларига ва вақтли матбуотда босилга бошқа бир қатор шеърларига ана

шу талаб нуқтаи назаридан ёндашсак, уларда жиддий камчилик ва нуқсонларни кўришимиз мумкин. Шоирнинг бир мунча шеърларида мавзунӣ ёритишга мутлақо хизмат қилмайдиган ёки кераксиз такрордан иборат бўлган мисралар жуда кўп. “Булбулга бир гапим бор” тўпламига кирган “Эй дил...” асарини олиб қарайлик. Асарнинг мазмуни қуйидагича: шоир Ватан ҳақида фикр юритади. Ватанининг ўтмишини бир-бир эслайди. Хотирлаш натижасида эса шоир ўз дилига савол беради ва ундан жавоб кутади. Шоир қайсидир саволига жавоб топгандек, қайсидир саволига жавоб топа олмайди. Шу саволлар баробарида шоир Ватанининг дардли тарихини бир-бир очиб, Ватанини таништиришни (тарихини ўрганишни) истади.

Асар мазмуни яхши. Аммо шу мазмунни, унга сингдирилган ғояни ифодалаб бериш учун шоир 300 дан ортиқ мисра тўқиган. Натижада, мисралар кўпайиб, мазмун тарқоқлашиб қолган. Асарнинг биринчи композицион бўлагида (яъни шеърнинг кириш қисмида) «Бўйи райҳон юртимнинг қадрин билиб юрдимми?// Кулганда шод, куйинганда бағрим куйиб юрдимми?» деган лирик савол қўйилади. Бу саволнинг образли ифодасига 140 мисра сарфланади. 100 мисрадан ташкил топган иккинчи композицион бўлакда (шеърнинг асосий қисмида) шоир Ватан тарихини бугунги куни билан боғлайди. Қолган мисраларда эса (яъни хулоса қисмида) Ватан олдида фарзанддик бурчини бажара олмаётганидан шоирнинг дил қийноқлари ўз ифодасини топган.

Шоирнинг ушбу асаридаги мисралар асосий ғояни ёритишга ёрдам бермайди. Шеърда ортиқ даражада Ватан дардини кўрсатиш ётади ва бу унинг асосий камчилигига айланган. Натижада, шеър сунъий чиққан. «Эй дил» - ҳажм эътибори билан поэма, мазмун ва характер эътибори билан эса шеърдир.

Лирик асардаги ҳар бир мисра, ҳар бир бўлак ягона вазифанинг муҳим бир қисмини бажариб келгандагина асарнинг зарурий қисми бўлиб қолиши мумкин. Машҳур сўз усталари асарларида бу ҳолат очик-ойдин кўринади. Уларнинг

шеърларидаги ҳар бир сўз, ҳар бир мисра, ҳар бир бўлакнинг зарурийлиги ўз жойида ифода қилинган.

Адабиётшунос И.Ҳаққулов ўзининг «Рух, эрк ва ошкоралик» мақоласида Муҳаммад Юсуфнинг «Қора қуёш» достонига тўхталиб: «давр кун тартибидан аллақачон тушириб қолдирилган масалага нолиш бериб «хроника»навислик қилади. Нега бундай? Ахир, чилангар ҳам темирни қизиғида босмаса, кечикади-ку!», - деган фикрларни баён этади {105;3}. Бизнинг фикримизча, бу асар, ҳужжатлар асосида яратилган достон сифатида кадрлидир.

А.Саид эса «Вақт ҳал қилади» мақоласида шоир яратган шеърларни таҳлилга тортиб, Муҳаммад Юсуфнинг шеърлятидаги камчиликлар, хатолар ва унинг ютуғи ҳақида кенг мушоҳада юритади. Жумладан, у ғойибдаги дўст билан суҳбат қуриб: «Муҳаммад Юсуфнинг шеърларида оҳанг халқона, қофияларда кусур йўқ. Аммо кўпинча фикр тўғридан-тўғри сўзлашув тилига яқин ҳолда, шеърый безаксиз айтилади. Ўқувчини мушоҳадага мажбур қиладиган, тасаввурини кўзғайдиган ҳеч нарса йўқ», - дея ғойиб тилидан муносабат билдирса, ўз қарашлари билан эса: «Мазмундаги ҳақиқат, туйғунинг ростлиги қудратни белгилайди», - деган фикрларни баён этади. Ғойибдаги дўст фикрларига ўз қарашларини қарама-қарши қўяди. Натижада, шоир шеърляти, унинг маҳоратини вақт ҳал қилади дея вақт ҳукмига ҳавола этади {67;3}.

Муҳаммад Юсуф мумтоз адабиётнинг йирик намояндалари Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб ва ҳозирги замон адабиётининг йирик вакилларидан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари ижодкорларнинг маҳоратини ўрганди. Натижада, талантили шоирларнинг поэтик маҳорат сирларини чуқур ўрганиш асосида Муҳаммад Юсуф ҳар томонлама мукамал шеърлар яратиш даражасига кўтарила олди.

Шоирнинг 90-йилларда яратган “Севги бу”, “Меҳр қолур”, “Бир қиз йиғлар”, “Кўнглимдаги ёр”, “Самарқанд”, “Бир куни”, “Онаизор” каби асарлари фақат поэтик мазмун жиҳатидан эмас, балки композиция жиҳатидан ҳам пишиқ ишланган асарлардир. Бу шеърларда ҳар бир сўз, ҳар бир образ ўз ўрнида келиб

фикрни ривожлантирган. Композиция изчил бўлиши учун ҳам шеърдаги мазмун мантиқан тўғри ривожлантирилиши лозим. Бу фикримизнинг исботини Муҳаммад Юсуфнинг энг яхши шеъри “Зайнаб қўшиғи” мисолида кўраемиз.

Шоирнинг “Ўткан кунлар” романи таассуротлари асосида юзага келган шеърлари ўзига хослиги ва асарга ҳамда ундаги образларга бўлган индивидуал қарашлари ҳисобига янада бойиди. Биз А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини ўқиганимизда Зайнаб образига салбий муносабат билдириб, ўз замонасидан анчайин ажратиб таассурот ҳосил қилишга ўрганиб қолганмиз. Муҳаммад Юсуфнинг “Зайнаб қўшиғи” номли шеърини ўқир эканмиз, унда лирик қаҳрамон ҳаётнинг энг қора кунларига назар ташлаган ҳолда Зайнабнинг оҳига кулоқ тутганлигини кўраемиз:

Тенгим бошқа деди ёр,

Топдим десам тенгимни.

Марғилонлик бир дилдор

Тортиб олди бегимни.

{49; 156}

Шеърнинг биринчи тўртлигидан кўриниб турибдики, Зайнабнинг Кумушга бўлган муносабати жуда ҳам қасоскор эмас. Чунки “Марғилонлик бир дилдор” - деб Зайнаб тилидан айтилаётган сўзларда бу ҳақиқат ўз исботини топган. Лекин шундай қараш билан биргаликда Зайнаб қалбида Кумушга нисбатан бўлган алам ҳам ўз кўринишини намоён этади. “Тортиб олди бегимни” жумлаларида Зайнаб Кумушнинг ўзидан анчайин устунлигига фақатгина тан беради. Бу тан бериш оқибати, ўз ғанимининг кучини, имконини тўғри баҳолашдан ўзга ҳолат эмас. Биз Зайнабнинг изтиробларидан хабардор бўлар эканмиз, уни ҳам ўз замонасининг оддий қурбони эканлигини сеза бошлаймиз:

Кулгу кетмай кўзимдан,

Ёғар бўлди кўз ёшим.

Кўз-кўз қилиб бахтини,

Ёқар бўлди кундошим.

“Кулгу кетмай кўзимдан, ёқар бўлди кўзёшим” мисралари орқали Зайнабнинг руҳий ҳолати очила бошланади. Ўз замонасининг барча келинларидек бир хонадоннинг бекаси бўлган Зайнаб орзу-ҳавас ила яшай бошлайди. Энди унинг бор орзуси, бутун борлиғи ўз ёри деб ҳисоблаган Отабекка айланади. Бироқ ҳаётида ҳали қувонч, бахт нима эканлигини тўла ҳис қила олмаган лирик қаҳрамон, кундоши Кумушнинг Тошкентга келиши билан барча орзу-ҳаваслари саробга айланади. Кумушнинг бир қанча фурсат (то ўлимигача бўлган вақт) Тошкентда қолиши Зайнабнинг руҳиятини буткул ўзгартиради. Зайнабнинг бу хонадонда ўтказаётган ҳар бир куни кўз ёшга айланади. Қалб туғёнлари жўш ўрган, аламлари барча ҳиссиётлардан устун келаётган Зайнабга кундоши ўз бахтини кўз-кўз қилаётгандек кўринаверади. Натижада, кундошим ўз бахтсизлигига сабабчи дейди:

Нима бўлди, бек йигит,

Бекангизга қараш йўқ?

Кумушдан минг ўргилиб,

Зайнабдан ҳол сўраш йўқ.

Шеърдаги лирик чекиниш Зайнабнинг қалбини ўртаётган дард баёни сифатида акс этади. Ўзини бу хонадоннинг бекаси деб ҳис этган Зайнаб, Кумуш келган чоғда бегонага айлана бошлайди. Чунки Кумушдан минг ўргилаётган Отабек Зайнабни бир боргина холидан хабар олмайди, сўрамайди.

Биз шеърнинг кульминацион нуқтаси деб ҳисоблайдиган тўртликда эса, лирик қаҳрамоннинг шум тақдирга кўнмаслиги, XIX асрнинг энг кир, қора кунларига нисбатан исён бўлиб янграйди. Зайнабнинг қалб исёни ўз тақдирига тан бермайди. Бу тан бермаслик образни динамиклигини таъминлайди. Шу асосда Отабекка бўлган муҳаббати ифодаси сифатида бу мисраларда яқун топади:

Бегим, Сизни мен ахир, Кумушдан кам суймасдим... Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романида Зайнаб бой хонадон фарзанди эканлигини ва унинг таърифини қуйидагича келтиради: “Марғилонлик келиннинг таърифини

Ҳасаналидан кўп эшитган Ўзбек ойим шаҳарнинг тўрт томонига қиз кўриш учун юриб кетди. Отабекнинг кўнглини ўша гўзал марғилонликдан совутиш йўлида ундан ҳам сулув қиз топиш кўйига тушди. Шунга кўра, унга анча-мунча қиз ёқмай, шаҳардаги кўп эшикларни санашга тўғри келди. Еттинчи маротаба кўчага чиқишида Олим понсод деганнинг қизи ёқа тушди» {94; 136}.

Муҳаммад Юсуф эса ушбу таърифдан усталик билан фойдаланиб куйидаги мисраларда баён этади:

Қолсам - дардим бир дунё, Кетсам - бир уй кўчим бор! Кумушойни келтирган Аравада ўчим бор. Зайнаб ҳам манаман деган Тошкент бойларидан бири бўлган Олим понсод хонадонининг фарзанди. У Тошкентнинг энг гўзал қизларидан бўлганлиги учун ҳам Ўзбек ойим ўз хонадонига келин қилган. Муҳаммад Юсуф худди шунга ишора этиб, “кетсам бир уй кўчим бор” дея таъриф этади. Бир уй кўч бўлса ҳам бу бойлик инсонга бахт бера олмаслигини ҳис этамиз. Шоир шеърни “Кумушойни келтирган, аравада ўчим бор” дея хотималайди. Зайнабнинг бутун дарду ноласини биргина “арава” сўзи билан боғлаган шоир Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи мазмунидан анланганидек турмушнинг энг қора кунларига чархга, такдирга, ҳаётга нисбатан исёни эди. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида Зайнаб бахтсизлигининг асосий сабабини кундоши Кумушдан ахтариб, уни қурбон қилиш даражасигача борган бўлса, Муҳаммад Юсуф эса Абдулла Қодирийнинг асарга сингдирган умумий фалсафасидан, “Ўтган кунлар” романининг руҳиятидан келиб чиқиб Зайнаб образи руҳиятининг самимийлигини яратган.

Шоирнинг “Шифохонада” шеъри ҳам композицион жиҳатдан пухта ишланган асар. Унда меҳнатга бўлган садоқат тараннум этилади:

Шундай беморлар борки,

Тўшакда михланиб ётар бенажот,

Уялиб кетасан тузалганингдан.

Шундай шифокорлар борки,

Туғишган акангдай қарайди сенга,

Тузалиб кетасан уялганингдан... {49; 104}

Шоир ушбу шеърида лирик қаҳрамоннинг шифохонадаги ҳолатини кўздан кечиради ва унга ўз муносабатини билдиради. Бадиий тасвирга кўра, шоир шифохонада бенажот беморларни кўради. Улар тўшакдан туролмай михланиб қолган. Уларнинг аҳволини сезган лирик қаҳрамон ўзининг соғайиб кетганлигидан уялади. Бироқ шифохонада шундай меҳрибон шифокор борки, шоир бу парвоналикнинг қадрига етади шеърда, ҳатто, уларнинг меҳнатига баҳо бериб, “Тузалиб кетасан уялганингдан...” дейди.

Шоир шифокор меҳнатини улуғлаш учун оғир ётган бемор ва шифокор образини контраст ҳолатда гавдалантиради. Кичик бир бандда катта ғояни ифодалаш шоирнинг маҳоратини белгилай олади. Муҳаммад Юсуф ана шу олти мисрада ўқувчига етказиши лозим бўлган фикрни ифодалай олган. Асардаги сюжет чизиғи кўз олдимизга шифокорнинг машаққатли меҳнатини келтиради. Шеърий мисралар шунчалик пишиқ қилиб терилганки, уларнинг бирортаси ўрнидан қўзғолгудек бўлса, ғоявий қусурлик ҳосил бўлади. Шеърдаги ҳар бир мисра яхлит бир бутун асарнинг зарурий қисми сифатида юзага келган. Шу сабабли ҳам шеърда тасодифий мисралар йўқ. Бу хусусият, бу композицион изчиллик фақат ана шу шеърга эмас, умуман, Муҳаммад Юсуфнинг энг сара асарларига хос хусусиятдир.

Муҳаммад Юсуф лирикасининг кўзга ташланиб турувчи асосий фазилати унинг етуклигидир. Бу етуклик аввало Муҳаммад Юсуф шеърларининг равон ва кўйма, композицион жиҳатдан пухта ва тугалланган бўлишида кўринади. Бу жиҳатдан “Райҳон” шеъри айниқса, характерлидир. Шоир ҳар бир банднинг, ҳар бир мисранинг бениҳоя мазмундор бўлишидан, илгари сураётган ғояни ёрқин ифодалашга хизмат этишидан ташқари, унинг ниҳоятда равон ва муסיқий бўлишига ҳам эришади:

Райҳон, айланай райҳонингдан сенинг,

Ойқабоқ гўзалим, жонингдан сенинг.

*Кулиб кўкларингдан тушмайсан, қара,
Ой ўтса уялар ёнингдан сенинг. {49;45}*

“Райҳон” шеъри қолипловчи композиция асосида яратилган. Бу композицион услубига кўра, шоир асар бошланишида тасвирланган манзарага ёхуд шароитга асарнинг охирида яна қайтади. У одатда шоирга поэтик асарни композицион чизик билан ўраб, унинг яхлитлигини ва тугалланганлигини таъкидлаш имконини беради.

Бу Муҳаммад Юсуфнинг энг севимли поэтик услубларидан бири эди. Шоир ўзининг қарийб ўн беш йиллик ижодий ҳаётида бу услубга такрор-такрор мурожаат этди. Бу услубни шоирнинг “Уйкудаги қиз”, “Муҳаббат сен чиройлик”, “Тушларимга кир”, “Фарзанд”, “Онаизор” шеърларида ҳам учратиш мумкин.

Муҳаммад Юсуфнинг энг яхши лирик асарларида бирорта ортикча мисра, бирорта ортикча поэтик образ йўқ. Шу нуқтаи назардан қараганда “Райҳон” Муҳаммад Юсуф шеър композицияси устида кунт билан ишлашини кўрсатувчи чинакам лирика намунаси дир.

Композицияда портрет ҳам муҳим ўрин тутди. Бадиий портрет инсоннинг ташқи кўриниши, юзи кийим-кечаги, юриш-туриши тасвири бўлиб, қахрамоннинг маънавий қиёфасини ёрқинроқ, аниқроқ тасвирлашга имкон беради.

"Лирик шеър билаи сурат чизиш ўртасида жуда ҳам яқинлик бор. Рассом ўз юрагидаги безовта оламни, унинг ғояларини, руҳини муайян чизгилар билан ифодалайди. Шоир ҳам ўз ҳиссиётлари, кечинмалари, фалсафаси, дунёқарашини, дарди, алами, изтиробини ва қувончларини муайян сўзлар, образлар, картиналар, деталларнинг ҳаққонийлиги ва нафосати билан англади" {104;83}.

Муҳаммад Юсуф ўз ижодида портрет яратишга ҳам алоҳида эътибор берган. Жумладан, “Бир қиз йиғлар” номли шеърини таҳлил қилар эканмиз, севги азобларидан, севги ёлғонларидан изтироб чекиб кўз ёш тўкаётган, алданган бир мунис муҳаббат қурбони портрети кўз ўнгимизда намоён

бўлади. Шеърда табиат (яъни пейзаж) ва инсон ўртасидаги уйғунлик ҳолати ўз ўрнини топади. Ер бағридан кўз ёш сингари сирғалиб чиқаётган булок бошида бир умрга маъюсликка маҳкум бўлган мажнунтоллар қошида изтироб тўла кўз ёш тўкаётган лирик қаҳрамон гавдаланади. Рухият рассоми асарида: “Ҳар бир қаҳрамоннинг индивидуал ва психологик қиёфаси, аввало кўз ифодасида акс этади” {80;31}- дейилган. Муҳаммад Юсуф ҳам бу шеърда лирик қаҳрамоннинг кўзига катта эътибор бериб, уни табиат билан боғлайди.

Бир қиз йиғлар булоқ бошида,

Маъюс мажнунтоллар қошида,

Кўнгил оҳи кўзин ёшида:

Бевафо кўп экан дунёда...

{49; 42}

Шоир нафис чайқалиб турган мажнунтол қиёфасини ҳам қиз ҳолатига ҳамоҳанг тарзда намоён қилади. Қизгинанинг маъюс ҳолатини табиат гўзал бир тароват билан тухфа этган мажнунтолнинг сочларидан фойдаланиб очишга ҳаракат қилади. Инсон юрагидаги севгининг нақадар улуғлигини табиат ўзининг гўзал шоирона кучлари билан тасдиқлаб, уни янада гўзаллаштиради. Шу асосда лирик қаҳрамон портрети чизилар экан ҳар қандай ўқувчида пайдо бўладиган “Балки айб ўзидадир?...” - деган саволга ўрин қолдирмайди. Чунки шоир лирик қаҳрамон портретини тасвир этар экан, ёниб турган бир нигоҳни, нолишларининг эса асосли тарзда жавоби бор эканлигини, алданган қалбнинг севги азобларини ёрқин рангларда чизиб беради. Ҳар бир йигит орзу қиладиган товонига тушадиган кокиллари қизгинага кўшилиб изтироб чекаётганлигини қалбнинг туб-тубидан ҳис қилиб туришга ундайди. Бу шалоладек узун кокиллар фақат изтироб чекмасдан балки қизгинага кўшилиб аччиқ- аччиқ йиғлайди. Қизнинг мана шундай ҳолатга тушишга сабаб нима эди?...- деган савол шоирни қийнайди.

Ўқувчини эса мозий қаърига, муҳаббат тарихига етаклайди. Ўз-ўзидан ўқувчи ҳаё дилдан кўчсагина муҳаббат хор бўлишига иймон келтиради:

*Товонига тушган кокиллар,
Қизгинага кўшилиб йиғлар,
Бир сўз дилга санчади тиглар -
Бевафо кўп экан дунёда...*

Шоир севгининг, муҳаббатнинг азобли кўз ёшларига, изтиробларига бардоши чидамай, озурда қалбга акалик меҳри билан қараб муҳаббат бобида бағри бутун кимса йўқ эканлигидан нолийди.

Муҳаммад Юсуф ижодининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, унинг шеърларида мавжуд бўлган композицион такрорлардир. Шоирнинг “Муҳаббатим”, “Онамга”, “Самарқанд”, “Капалаклар”, “Ёлғончи ёр”, “Халк бўл, элим”, “Рух тўтиси”, “Кетар бўлдим”, “Кўкламойим” каби шеърларида ўзига хос такрорлар мавжудки, булар мунтазамлик бахш этувчи, бутун фикрларнинг бошини қовуштириб турувчи муҳим композицион элемент сифатида шеърда катта роль ўйнайди.

Буни “Ёлғончи ёр” шеъридаги такрорлар мисолида кўриш мумкин. Шеърдаги “Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон” мисраси деярлик ҳар бир мустақил композицион бўлакнинг охирида такрорланиб келади. Шеърнинг бошланишида бу мисра шоир ифодаламоқчи бўлган ғоянинг асосий ўзаги сифатида келади. Биринчи, иккинчи композицион бўлакларда шоир ўзининг “Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон” деган сўзларини шарҳлаб беради. Ушбу такрор шеърни чуқур изоҳлайди ва ички мазмунини очиб беради. Шунга кўра “Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон” мисраларининг иккинчи ва учинчи композицион бўлакларида такрорланиб келиши шоирнинг изоҳларини ва асосий ғоянинг моҳиятини қайта таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилади. Муҳаммад Юсуф бу шеърда ошиқона аҳволига ачиниб, энди ҳеч қачон ёрнинг ишваларига ишонмаслигига, ишонмай туриб ҳам кўзларининг ёшлари маржон-маржон бўлиб оқишига ёрнинг ёлғонлари сабаб

эканлигини кўрсатади. Лирик чекиниш орқали нега бундай аҳволга тушиб қолганини изоҳлайди. Ана шундан сўнг такрор мисралар янгича мазмун касб этади:

*Жаннат ишвасига учиб ким чопмаган,
Такдир менинг пешонамга қил ёпмаган,
Ношуд қулман чаман кезиб гул топмаган,
Ўз ҳолимга энди ўзим ҳайрон-ҳайрон,
Ёлгончи ёр, ёлгонларинг тугар қачон?.. {49;59}*

Шеърнинг хулоса қисмида униинг интонациясини ўзгартириб ўз аҳволидаи ўзи шикоят қилади. Шеърнинг охиридаги такрорда худди шу ўзгариш (сўроқ белгиси ўрнига, ундов белгисидан фойдаланган), ўз аҳволига ачиниш сифатида акс этган.

Шундай қилиб, шоир шеърларидаги такрор катта ғоявий-бадий вазифани бажариб келади. Бу такрорлар куруқ оҳангдорлик бағишловчи такрорлар эмас, аксиича,-уларнинг ҳар бири композицион бўлақда янгича характер, янгича мазмун касб этади.

Муҳаммад Юсуф лирикасида композициянинг зоҳирий элементлари ҳам кўзга ташланади. Масалан шоирнинг “Гўзалларим” шеъри “Гўзалларим гўзал алдайсиз” мисраси биллап бошланиб, шу мисра ёрдамида поёнига етади. Ушбу мисра шеърда композицион халқа бўлиб хизмат қилган. Бу эса шеър тузилишида ўзига хос яхлитлик бағишлаган. “Нечун” шеърида ҳам Муҳаммад Юсуф композицион халқадан фойдаланиб киндек қони тўкилган ўрсата олган. Бу муҳаббатдан азизроқ туйғу|га ишонтириш учун «Нечун куллуқ қилмай Андижонга мен» дея эътироф этади:

*Тупроғи жаннатдек қилгувчи гамза
Мен ўша ям-яшил водийдан майса.
Минг жоним садага битта жилмайса -
Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен {49;246}*

Ушбу композицион бўлак асарнинг бошида, ўртасида, охирида такрорланади ва шеърда лирик қаҳрамоннинг руҳиятини қамраб олади.

Муҳаммад Юсуф композицион усуллардан яна бири бўлган кўчудан усталик билан фойдаланиб, асарларини жонли сўзлашув тилига яқинлаштиради. Ушбу усулни шоирнинг “Муҳаббат” шеърида учратамиз:

*Қалбга зардоб бўлиб тўлганинг алам,
Гоҳи очилмасдан сўлганинг алам
Муҳаббат, муҳаббат, ҳаммасидан ҳам
Сочга оқ тушганда келганинг алам!... {49;55}*

Бу усулни шоирнинг кўплаб шеърларида учратиш мумкин. “Синглимга мактуб”, “Севги бу”, “Қизил олма”, “Шеърят бу”, “Самарқанд” каби бир қатор шеърлари шулар жумласидандир.

Муҳаммад Юсуфнинг маҳорати шеърларининг сарлавҳаларида ҳам ёрқин кўринади. Шоир шеърларининг мазмунидан келиб чиқиб сарлавҳа танлайди. Сарлавҳани асарларининг ғоясини очиш воситаси сифатида ишлатади. “Эрка кийик”, “Оқибат”, “Иқро”, “Ажиб дунё”, “Онамдан хат”, “Ўзбекнинг аёллари”, “Ҳайрат”, “Лолақизғалдоқ” шулар жумласидандир.

Шоир ишлатган сарлавҳалар воқеанинг мазмунини қисқа равишда ўзида асқ эттиради. Бу ҳолатни шоирнинг “Жийда тагида” шеърида учратамиз.

*Сой бўйи. Тун. Куз.
Бир йигит, бир қиз.
Шивир-шивирлар
Жийда тагида.
Таҳораткаш чол,
Уйга қайтди лол,
Дилда санчиқлар -
Жийда тагида...*

Агар шоирнинг Ватан мадҳига бағишланган шеърларига назар ташласак, шоир сарлавҳа танлашда Ватанини жону дилидан севувчи қалбни

гавдаланган тирганига гувоҳ бўламиз. Шоир сарлавҳаларида ўзининг дил туйғуларини ифодалаш учун эгаллик қўшимчаларидан фойдаланади. Бу фикримизни “Қуёшистоним”, “Ватаним”, “Чаманистоним”, “Элим” каби шеърларида исботлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуф яратган асарлари композицион жиҳатдан ажойиб мукамалликка эга бўлган асарлардир. У ўз шеърларининг композициясини ишлашда катта маҳорат кўрсата олган. Бу маҳорат шеърларнинг сиқиклигида, такрорларнинг интанацион жиҳатдан мунтазамлик бахш этишида ва инсоннинг психологик портретини чизишда намоён бўлган.

2-БОБ. СИРОЖИДДИН САЙИД ИЖОДИДА ПОЭТИК ФИКР САЛМОҒИ ВА “МЕН” ИФОДАСИДАГИ РАМЗИЙЛИК.

2.1.Сирожиддин Сайиднинг ифода услуби

Ҳозирги адабиётшуносликда шоирларни уларнинг воқеликни англаш ва тасвирлаш тамойилларига кўра шартли равишда анъанавий ва замонавий (модернистик) йўналишга мансуб, деб қараш кучайиб бормоқда. Сирожиддин Сайид анъанавий услубдаги ижодкор сифатида эътироф этилмоқда. Муҳими шундаки, ижодкор маҳорати унинг қайси йўналишга мансублиги билан эмас, балки асарларининг ғоявий-бадий юксаклиги ва халқчил пафоси билан белгиланади. Иккинчидан, ҳар иккала йўналиш вакиллари ҳам метафоризмдан фойдаланишадики, бу ҳол бадий ижод табиати билан боғлиқ ҳолатдир. Лекин асосий фарқ шундаки, замонавийликка мойил шоирлар поэтик маънони чуқур ҳиссиёт ва руҳий оламнинг таҳлили асосида купинча “мен” орқали ифодаласалар, анъанавий йўналишдаги шоирлар ижодида асосан поэтик фикрга урғу берилади ва мажозий унсурлар уни бўрттириш ва таъсирчанлигини оширишга қаратилади. Бу хусусият Сирожиддин Сайид шеърлятига ҳам хосдир. Шу маънода уни фалсафий фикрлар шоири дейишади. Тўғри, Сирожиддин Сайиднинг ҳамма шеърларида фикр ва кечинма уйғунлиги бир хил эмас. Бу табиий ҳол. Чунки шоир ўз мақсадига кўра кўпчилик шеърларида фалсафий-маънавий қарашлар устувор бўлгани сабабли уларда кечинма интеллектуал фикр ифодасига кўмаклашувчи восита вазифасини бажаради. Фалсафий фикрни поэтиклаштиришда мажозий образлиликка кўпроқ мурожаат этади.

Табиатда етти хил ранг бўлса, шоирлар шеъриятида бу ранглар ўз жилва ва ифодасига кўра турли маъноларда жилоланади. Ҳар бир шоир ғоявий-эстетик мақсадига кўра бу ранглардан унумли фойдаланиши мумкин.

Бугунги ўзбек шеъриятида энг кўп қўлланаётган ранглардан бири оқ рангдир. Анъанага кўра, оқ ранг эзгулик, поклик, беғуборлик, самимийлик, ёруғлик каби маъноларни ифодалайди. Тадқиқотчи Н.Муматова таъкидлаганидек, “Ҳозирги ўзбек шеъриятини ранг билан боғлиқ рамзий образларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки бундай рамзий образлар ҳозирги шеъриятимизда энг зарурий бадиият унсурлари ҳисобланади. Улар шоирнинг олға сурган поэтик ғоясини, ифодаламоқчи бўлган ниятини, ғоявий эстетик идеалини тўлақонли англантишга хизмат қиладилар”¹.

Сирожиддин Саййиднинг “Кўнгил соҳили” (Шамнома) туркум шеърлари ичида қуйидаги тўртлик бор:

*“Яшил рўмолингда – яшил кунларим,
Қизил рўмолингда – қизил тунларим,
Шому тонларимдай оқ рўмолларини,
Қолган барча дунё – ёлгон унларим”.* (205-бет)

Шоир “яшил рўмол” – “яшил кунлар” ташбеҳи орқали ёшлик йилларига ишора қилса, “қизил рўмол” ва “қизил тунлар” сифат+от бирикмасидан ташкил топган рамзлар воситасида маърифат, ҳақиқат излаб кечган дамларини, ўзлигини танишдан, илм-маърифат йўлидан кейинги Ҳақни таниш жараёнларида кечирган умрига ишора қилмоқда. Тасаввуф таълимотига хос “маърифат” йўлидан – қизил рангдан “ҳақиқат йўли” – оқликка томон интилиш жараёнларига хос руҳий бедорликка – “қизил тунлар”га урғу бериб, таъсирчанликни таъминлашга эришган.

Анъанага кўра, шеъриятда оқ ранг эзгулик, поклик, яхшилик, беғуборлик, ёруғлик тимсоли ҳисобланса, қора ранг бахтсизлик, ўлим,

¹ Ўша манба –Б. 7.

ёвузлик каби маъноларни ифодалашни билан бирга куч-қудрат, буюклик каби маъноларга ҳам эга. Лекин рангдаги бу маънолар турғун эмас. Улар турли давр ва шоир эстетик мақсадига кўра фарқланиши мумкин.

Шоир Сирожиддин Саййид шеърларида ҳам оқ ранг анъанавий тарзда эзгулик, ёруғлик, сакмимийлик каби маъноларни беради. Ва бу маънолар шоир дунёқарашда тажассум топган ҳаёт манзараларини чизишда ўз кўламини кенгайтиради.

*Оҳларим ичинда унган оқ гулим
Неча йил яшадим мен муштоқ, гулим.
Гоҳи қарашмага тўлуғ дарёсан,
Гоҳ оппоқ баҳордай бир қучоқ, гулим...*

Ёки:

*“Уфқлар, қирлару осмонгача қор
Тошкандан Термизу Сурхонгача қор.
Она, бу соғинчи қандоқ ёзайин,
Ўртамизда чексиз оппоқ варақ бор.”*

Устоз Абдулла Қаҳҳор “Поэзия – юксак санъат” мақоласида ёзганидек, “Шеърнинг мўжизалик сирларидан воқиф бўлиш, бу сирларни жиловлаш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди. Бунга эришиш учун зеҳн, сабр ва меҳнатдан бошқа яна нимадир керак”². Ўша “керак нимадир”, назаримизда илоҳий неъмат – бадий кашф этиш салоҳиятидир.

Сирожиддин Саййид шеърлари, аввало, мавзу қамрови кенглиги, шакл ранг-баранглиги ва поэтик маъно ҳамда шоир нигоҳининг ўзига хослиги билан характерланади. Уларнинг барчасига хос муштарак хусусият эса воқеликка фаол муносабат, ундан чуқур ҳаётий мазмун топиш ва уни гўзал, таъсирчан ифодалашдир. Бунда шоир аруз ва бармоқ вазнларидаги ғазал, тўртлик, мухаммас, достон каби жанрлар имкониятларидан кенг фойдаланиб, адабий анъаналарни ижодий улуши билан бойитиб келмоқда.

² Қаҳҳорова К. Чорак аср ҳамнафас. –Т.: Ёш гвардия, 1987. –Б.26.

С.Саййид шеърятти кўп асрлик бадиий тажрибалар сарчашмасидан файз ва рағбат олган ҳамда бетакрор талқин ва маҳорат билан уйғунлашган шеърятдир. Гражданлик руҳи ва умуминсоний пафос унинг бош ғоясини ташкил қилади. Бу ғоя, фикр ва туйғу яхлитлигида бадиий сайқал топади, қоғозга, сўнгра кўнгилларга кўчади. Шоирга хос теран нигоҳ ва оҳорли бадиий топилма ифодаси шундан туғилади. Бунда фикр ва кечинма уйғунлиги, рамзий образлилик алоҳида бўртиб туради.

Метафорик бадиий воситалар ижодийлик маҳсули бўлгани сабабли уларда ижодкор фантазияси қамрови, ҳиссий сеҳри ва ментал (ақлий-руҳий) чуқурлиги ифодаланади. Уларнинг моҳиятида икки хусусият акс этади: биринчиси, нарса ёки образга хос жиҳатни бетакрор тасвирлаш, иккинчиси, шу тасвир ва ифода асосидаги нарса ёки ҳодисани ижодий муносабат, бадиий ҳукм орқали баҳолаш. Бу хос хислатларнинг ҳар бир шоир ижодида кўлланиш даражаси ва ғоявий-бадиий функцияси конкрет асарларнинг таҳлилида намоён бўлади. Бунда метафорик воситаларнинг эпифора (бир таркибли содда) ва анафора (мураккаб) турларини ўринли ва мақсадга мувофиқ кўллаш, айниқса, муҳимдир. Шоир шеъряттида ҳар иккала ҳолатнинг ҳам муваффақиятли ифодасини кўрамыз.

Биламизки, қор фидойи инсон рамзи. У самони эмас, она заминни кўмсайди. Ундаги инсонпарварлик белгиси истиоравийлик йўли билан “бедор ҳисларни ёғдуга кўмилиши”, “унинг соғинчдан осмонга сиғмай ерга кўнгани” билан асосланади. Амалда инсонга хос бу фазилатлар қорни шахслантиради. Натижада қор ва инсон ўртасидаги эзгулик муштараклиги асосидаги метафорик образ вужудга келади. Шу билан бирга, бу образнинг фаоллигини кучайтириш, яъни қорнинг инсонга меҳрини бўрттириш мақсадида унинг “инсонга гуллар юбориши учун ер қаърига эриб кетгани” орқали шеър ғояси ифодаланади. Натижада қор метафорик образининг ижтимоий-бадиий функциясида чинакам инсон ҳар икки оламда ҳам эзгуликка дахлдорлигига ишора қилинади.

Маълумки, инсон ўз фалсафаси билан тирик. У дунёни ўз-ўзича теран англаш ва кашф этиши билан буюк. Баъзан оддий табиий ҳодисалар замирида улкан бир ҳақиқат инсон ақлини лолу ҳайрон этади. Буни тўғри англаб, ҳис этиб ўзгаларга англамоқ эса ижодкорликдир. Шоир қалбидан оқиб чиқаётган улкан туйғулар бу ҳақиқатни бутун яхлитлиги билан ифодалай олади. Шоир лирик қаҳрамони бу дунёни чуқур фалсафий идрок этишга интилади. У аввал ўзлигини англаб етганида олам сирини тушунади; бу оламда барча ўткинчи нарсалар орасида бир “нур” – инсон қалби илоҳий неъмат эканлиги тўла намоён бўлади. Ўша куч, ўша “шиддат” бу дунёни тутиб турувчи тиргак эканлиги тугал ойдинлашади. Шоирнинг бир шеърида қорга қарата “Поксан-у ҳам оёқостисан, ёғмоқдасан осмондан ерга” мисраларини ўқиймиз. Бу ўринда қор мажозий тимсоли орқали поклик маъносига урғу берилади. Зеро, инсоний сифатлардан бири унинг илоҳийлигидир. Бу хусусият ҳар кимда ҳар хил даражада мужассам бўлади. биз ўзимиздаги эзгулик ва савобларимиз эвазига “илоҳий нур”дан баҳраманд бўла бошлаймиз. Одам яралиши учун ўша нур осмондан ерга туширилиб, тупроқ бағрига жойлашган. Демак, шоир осмондан ерга тушаётган бу оппоқ қорни ана ўша инсоннинг бунёд этилиш ҳодисасига қиёслайди.

Реал ёхуд фантазия маҳсули бўлган мажозий тушунча ва унга мос келувчи метафорик объектни ёнма-ён параллел қўллаш истиора моҳиятини теран англаш воситасидир. Бунда у ижобий ёхуд салбий жиҳатдан баҳоланиш хусусиятига эга.

Сирожиддин Саййиднинг “Кўнгил соҳили” шеърида бу ҳолат “лирик мен”нинг ўз кўнгил оламини тафтиш жараёни орқали тасвирланади:

*“Кўнгил тубларига чўкди не тошлар,
На қувонч юпатди, на-да кўз ёшлар.
Сўнган ҳар шуълага ўкинч-ла боқдим,
Дилимдан ранг олиб ботди қуёшлар.*

*Меҳр топмасман ўз меҳримдан ўзга,
Умр ҳам кўрмасман, умримдан ўзга.
Ҳеч ким тушунмагай дунёда мени,
Кўксимда йиғлаган қумримдан ўзга.*

*Қанча молу давлат тупроқдир,
Нечук маъводир бу? Нечук гилдир, манзилдир?
Менинг йўқотганим кўнгилдир, эй дўст,
Менинг излаганим башики бир дилдир?*

Лирик “мен” ўз ҳаётини сарҳисоб этиб, “йўқотгани” – кўнгил, топгани ҳам “бир дил” эканини эътироф этмоқда.

Демак, у умр бўйи ўзлигини излаган ўз “кўнгли”ни англашга, танишга интиланган. Бу оғир ва мушкул “синов”дан ўтиб, “бир дил” – кўнгилни топган, кўнгилдан эса ўзини топган.

*Дил дедим, дил йўлин холис йўл кўрдим,
Дил томон юрдиму олис йўл кўрдим.
Дўстлар, бу манзилга етгунча гўё
Минг йил талпиндим минг йил йўл юрдим...*

Айрим индивидуал истиораларида ҳиссий тафаккур ва фалсафий мушоҳада туфайли реаллашадиган тушунчаларни кўчма маънодаги образларда йиғиш ва муайян тизимга солиш ҳамда баҳолаш мумкин. Шоирнинг “Шамнома” туркум шеърларида инсоний туйғулар кўлами рангин манзаралар ва фалсафий-ҳиссий оҳанглар уйғунлигида ифодаланган.

*“Райҳонлар баргидан сиёҳ олдим мен,
Ҳар хасдан руҳга бир гиёғ олдим мен.
Юртнинг турна кўзли булоқларидан,
Кўнгилга кўз олдим, нигоҳ олдим мен...*

Ота бу дунёда ҳар сўз сотилди,

*Бегона сотилди ҳам дўст сотилди,
Яхшилик истабон ўтган умрингиз
Чагондай эскирди, тўзди, ситилди...*

*Тогларда кишигаган от –саманимдир,
Босиб келаётган оҳ, туманимдир.
Хазонларни йиғиб ёқмоқда бир чол,
Ул менинг ёшлигим, гул чаманимдир”³.*

Сирожиддин Саййид учун шеър – руҳий соғинч, шоирлик эса қисмат. Шоир ўз бурчини ана шу тушунчалар уйғунлигида кўради, “мисралар билан дардлашар экан ўз борлигини”, ижодкор сифатидаги “бисотини” шундай изоҳлайди.

*Ишқдан бўлак титрогим йўқдир,
Йўқдир шеърдан бўлак ҳеч ларзам.
Дўстларимдан бошқа ҳеч кимим
Ёрдан-кўкдан бошқа ҳеч нарсам⁴.*

*Дунёни хайр ила хўшларда кўрдик,
Юксак парвозларни қушларда кўрдик,
Кечган умримизни қайтариб бўлмас,
Гўёки биз уни тушларга кўрдик.*

*Мен бунда ҳар дилдан наволар олдим,
Ҳар гиёҳ ҳар гулдан саболар олдим.
Оқ фотиҳа олдим оппоқ тоғлардан
Азим чинорлардан дуолар олдим. (193-бет)*

³ Сирожиддин Саййид. Сўз йўли. Икки жилдлик танланган асарлар. Т.: “Шарк”. – 2008. II жилд. 202-203-бетлар.

⁴ Сирожиддин Саййид. Суз йули. 2 жилд. Т.: Шарк., 194 б. Барча кучирмалар шу нашрдан олинди.

Бу – шоирнинг ҳаёт дастури. Унинг маъно-моҳияти, “ишқ”, “шеър”, “ҳақ сўз”, “дўст”, “Ватан” таянч сўзларининг мантиқий синтезида акс этган. Дарҳақиқат азалий ишқ – ижодкор қалбидаги безовталиқ ва дард, дилнинг Ягона мулки! Дўстсиз ва еру кўксиз эса шоир ўзлиги йўқ. Чунки олий хилқат – Инсон руҳи ва жисми улар билан пайванддир. Бу ҳақиқатни шоир алоҳида қайд этади:

*Худойим, шукрим, қошу кўз бердинг,
Яна тилларимга равон сўз бердинг,
Пушту паноҳ бердинг, менга ўзингдан,
Яна ўз дилимдай содиқ дўст бердинг. (194-бет).*

Шоирнинг сарҳад билмас кўнглига бутун дунё сиғади. Олам севинчлари-ю ташвишлари, олам руҳияти-ю интилишлари ижодкор дунёқараши ва бадий мушоҳадалари билан сайқаллашиб, эзгуликка меҳр, ёвузликка нафрат уйғотишга чорлайди. Ғафлат шоир наздида кундузнинг туни – “оқшоми” инсон учун фожеа, “минг дарддан ҳам оғир” кулфат. Ғафлатдан уйғотмоқ – шоирнинг бурчи.

*Маърифатсиз юртнинг заволи бўлгай,
Унинг на иқболи, на камоли бўлгай,
Хотинлари қаллоб, эрлари каззоб,
Эли халқ бўлмагай, аҳоли бўлгай. (217-бет)*

Шоирнинг “Қирқ ҳадис” – “Яхшилик эскирмагай” туркум шеърлари ҳам поэтик фикрнинг серқатламлиги, фалсафий умумлашмаларнинг салмоғи жиҳатидан диққатимизни тортади:

*“Ёмон, понок йўллар кўндир дунёда,
Яхши йўлга бошла бировни доим.
Эзгу амалларни, пок хислатларни,
Билсанг, хуш кўргайдир қодир Худойим.*

Билсанг шу аснода Арши аълода

Ҳар ишинг рўйхатга тизилмоқдадир.

Яхши йўлга тушган зот олганчалик

Сенга ҳам савоби ёзилмоқдадир” (237-бет).

Дарҳақиқат, фалсафий-мажозий мушоҳадакорлик бугунги ўзбек шеърятининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу соҳада Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон изланишлари изчил давом этаётганлиги қувонарли.

Сирожиддин Саййиднинг “Сўз йўли” номли танланган асарлари таркибидаги (II жилд) “Кўнгил соҳили”, “Қирқ ҳадис” каби тўртлик, ғазал, туркум шеърларда жанр табиатига кўра афористик маъно қирралари турли даража ва оҳангларда намоён бўлади. Лекин уларнинг барчасида поэтик тафаккурнинг асосий талаби – образли ва ҳиссий фикрнинг инсон ботиний оламига таъсири сақланган. Зеро, шеърятда ҳар қандай ҳикматли фикр шоир субъектининг эҳтироси, шахсий кайфият-сажияси, муайян руҳий кечинмаси сифатида туғилган образ ёхуд мулоҳаза туфайлигина бадий топилмага айланади. Бунга ижодкорнинг олам ва одам, эзгулик ва ёвузлик, умуман, ҳаёт ҳақиқати ҳақидаги фалсафий қарашларга салмоқли маъно, бетакрор шакл ва умумлашган хулоса касб этган ҳолда қўшилади.

Назаримизда Сирожиддин Саййид ижодида афористик ифодаларнинг кучли ва сержилолиги, асосан, икки омил билан асосланади. Биринчиси – шоирнинг шахсий иқтидори, туғма истеъдоди ва теранликка интилиши бўлса, иккинчиси ўз таржимасидаги Мавлоно Румий, Ҳофиз Шерозий ижоди, Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Бедил каби даҳо мутафаккирлар рубоиётидаги фалсафий-дидактик қарашларнинг таъсиридир. Бу мумтоз рационал-афористик тафаккурга хос доно фикр, мантикий хулоса, интеллектуал характер шоир шеърларида янгича талкинларда давом эттирилмоқда.

Сирожиддин Саййиднинг бу туркум шеърларини бирлаштириб турувчи ички “нур” инсонлик шаънини юксак тутишга ундаш; ҳар бир инсон ўз

ғурури ва шаънини ерга топтамай, ўз инсонлик аъмолини баланд тутиши лоизм , деган умумий ғоядир.

Юқоридаги фикрлар қуйидаги хулосалар учун асос беради:

1. Бадиий тафаккур инсон маънавияти силсиласидаги салмоқли соҳаларидан бири ҳамда Одам ва Оламни поэтик идрок ва кашф этиш шаклидир. У тарихий характер ва узлуксиз ҳаракатдаги ижтимоий-эстетик онг кўриниши сифатида миллий ва умуминсоний моҳиятга эга. Бу моҳият асосини инсонни улуғлаш ва комилликка эришувига кўмаклашиш функцияси ташкил этади. Ўзбек шеърияти миллий бадиий тафаккурнинг фаол ва кенг тарқалган таркибий қисми сифатида бой такомил йўлида шу вазифани адо эта бориб, ҳозирги ўзбек шеъриятининг янги босқичига кадам кўйди.

2. Ўзбек миллий шеъриятининг услубий тадрижи ҳозирги янгича изланишлар учун замин бўлиб хизмат қилмоқда. Бу тадриж ҳозирги босқичда янгиланган тафаккур, замон талаби ва поэтик идрокнинг жаҳон адабий тажрибалари билан ҳамоҳанглиги каби тамойилларида ёрқин кўринмоқда. Шу жиҳатдан бугунги шеъриятимизда тўртта услубий йўналиш – публицистик, фалсафий-ижтимоий, рамзий-мажозий ва халқона, йўналишларга амал қилинмоқда. Бу йўналишлар ўзбек шеъриятининг яхлитлигини англантиш билан бирга мазмун-мундарижа ва ифода услубларига кўра хосликларга ҳам эгадир. Хусусан, биринчи ва иккинчи йўналишлар XX аср ўзбек шеърияти муваффақиятини таъминлаган кўпгина ноёб истеъдодларни етиштирган адабий ҳодиса бўлиб, унда лирикамининг бой тажрибалари мужассамлашган, у ҳозир ҳам етакчи йўналишдир. Энг янги, замонавий йўналиш эса, бир томондан, миллий мумтоз шеъриятимиз анъаналарининг давоси эттирилишида кўзга ташланади. Хусусан, Сирожиддин Саййиднинг “Ғазал машқи” рукнидаги шеърлари – ғазаллари фикримиз далили бўлиши аниқ. Бинобарин, “Ҳақиқий бадиий асар ўқувчи ёхуд томошабиннинг ҳисларига таъсир этиши билан ёзма сўзнинг ҳамма

бошқа турларидан ажралиб туради”⁵. “Ҳисларга таъсир этувчи ҳақиқий бадиий асар” ижодкор дунёқараши, фавқулодда салоҳияти, теран фикр ва туйғулар ҳосиласи бўлиш билан бирга, воқеликни ўзига хос англаш ва бадиий кашф этиш тарзи – услуби билан ҳам узвий боғлиқдир. Зеро, услуб тарихий тушунча бўлиб, алоҳида ижодкорга, йўналиш эса муайян ижодкорлар гуруҳига мансуб асосий ифода йўлидир. Ҳар бир асар маълум бир услуб ва йўналишда яратилар экан, убадиий тафаккурнинг ўтган ёхуд замонавий даври хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда воқе бўлади. Бу эса услубий йўналишларда анъана ва янгича қарашларни вужудга келтиради ва бадиий ижоддаги давомийликни ифодалайди.

Маълумки, бадиий тафаккурнинг энг тезкор ва ҳозиржавоб шакллари билан бири шеъриятдир. У инсоннинг ўзини, ҳисларини жамият ва борлик, умуман, воқеликни эстетик англаш воситаларидан бири бўлиб, ҳамма давр ва маконларда маънавий комилликни сўз ёрдамида улугловчи санъат бўлиб келган. Зеро, улуг танқидчи В.Г.Белинский таъкидлаганидек, “бутун олам, барча ранглар, бўёқлар ва оҳанглар, табиат ва ҳаётнинг барча шакллари шеърият ҳодисаси бўлиши мумкин. Поэзия бу башар ҳаётининг тепиб турган юраги”⁶. Бу мухтасар таърифда шеърнинг икки жиҳати – объекти (бутун олам) ва ҳаётнинг мажозий-эстетик моҳияти (юраги) ёрқин мужассамлашган. Бу тушунчалар яхлит, бир бутунлигича ҳар бир шеърдаги поэтик мазмун ва шакл, ижодий метод ва услуб уйғунлигида аск этади.

Шеърият умумўзбек адабиётининг ажралмас қисмларидан бири бўлиб бой анъана ва тарихга эга. Ҳозирги янгича миллий бадиий тафаккур унинг поэзиядаги тадрижи XX аср бошларидан, Чўлпон ва Фитрат шеърларидан бошланади ва бир неча авлод ижодий тажрибаларидан сайқаллашади. Хусусан, XX аср 90-йилларида истиқлол адабиёти деб аталган эстетик ҳодиса вужудга келди. Бу адабиёт ва унинг салмоқли тармоғи шеърият

⁵ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 2005. –Б.131.

⁶ Белинский В.Г. Адабий орзулар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. –Б.105

янгиланаётган миллий-бадий онгинг, ижтимоий-эстетик тафаккурнинг маҳсули сифатида юзага келди. Унда воқелик ва инсонни холис ва эркин кўриш, поэтик идрок этиш ва ҳаққоний иасвирлаш имконияти устувор бўла бошлади, олам ва одам муносабатини табиий ифодалаш, шахс труҳиятидаги эврилишларни турли ракурсларда таҳлил этиш имконияти кенгайди, инсон қалби, ҳиссий олами, кўнгил манзаралари бутун мураккаблиги билан таъсирчан тадқиқ қилина бошланди. Лирик қаҳрамон тасвирида ҳаётийлик, ҳаққонийлик кучайиб, унинг турфа тақдири, ўй-мулоҳазалари, маънавий оламидаги бетакрорлик олдинги ўринга чиқа бошлади. Буларнинг барчаси бир қолипдаги тасвир шаклларида воз кечиш, янги услубий изланишлар, тасвир ва ифодада ранг-барангликка интилишни тақозо этди.

Мустақиллик даври шеърияти янги оҳанглар ва маъно теранлиги билан бойиди. Унинг ифода тарзи туб миллий, бадий ютуқлардан рағбатланиш билан бирга жаҳон эстетик туфаккурининг илғор анъаналарини ижодий ўзлаштириш эвазига ҳам такомиллашиб боряпти. Фалсафий-ижтимоий мазмун салмоқдорлиги, ифоданинг таъсирчанлиги, услуб шаклларида ранг-баранглиги, фикрнинг оҳорли талқини каби хусусиятлар шеъриятга ўзига хос алоҳидалик бағишламоқда. Поэтик образ қалб оламидаги зоҳирий ва ботиний жараёнларни асосий тасвир объектига айлантириш, унинг фикр ва ҳиссиёт тарзини, ахлоқий қиёфасиникашф этишда анъанавийлик билан янгича ёндашув тамойиллари дадил омукталаштирмоқда. Зеро, инсон моддияти ва маънавиятининг серқирра қатламларини тадқиқ қилиш, руҳиятидаги кўз илғамас кечинмалар талқини орқали уни мураккаб олий хилқат сифатида яхлит тасвирлаш етакчилик қилмоқда. Табиийки, бу жараёнда шаклий-услубий изланишлар соҳасида ижодий тажрибалар қилиш, янги кутилмаган фойда йўллари кўллаш зарурияти туғилади.

Ҳозирги бадий тафаккур тарзида поэтик асарларнинг шаклий ранг-баранглиги ва услуб турфалиги кенгайиб бориши ҳам яққол сезилмоқда. Бу жиҳатдан, Р.Парфининг “Адашган рух”, “Қора девор”, “Муножот”, “Сенсиз”,

А.Суюннинг “Ватан кенгликлариди”, “Истиғфор”, Сирожиддин Саййиднинг “Сўз йўли”, Фахриёрнинг “Иқроф”, “Осмон яратганнинг...”, “Суйгулим”, Иқбол Мирзонинг “Сени деб”, Усмон Азимнинг “Фонус” сингари шеърий асарлари мустақиллик даври ўзбек назмида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу шеърият шаклий-услубий изланишлар миқёси кенгайганлиги билан ўзига хосдир. Унда Шарқ ва Ғарб адабиётидаги самарали тажрибаларни ўрганиш ва миллий хусусиятлар билан бойитишга интилиш кучайди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаёқ тадбиқ этила бошланган танка ва хоккулар ўрнига қофияли ва қофиясиз сочма (насрий) шеърий шакллар қўлланила бошланди. Ифодада тўлиқ эркинликка интилиш ўзбек истиқлол шеъриятида бу каби шаклларга эҳтиёж уйғотганлиги натижасидир.

Ҳозирги вақтда миллий шеъриятимизда тўрт, уч, икки ва бир сатрли мухтасар шеър намуналари тобора кўпаймоқда. Бу шеърият анъанавий, шаклий чегаралар ва қолиплардан қутулишга интилиш самараси бўлиб образларнинг маъно теранлиги, кенглиги шоирлар бадиий дунёсининг бойлигидан, гўзал ҳиссий тафаккур миқёсларидан дарак беради. Шоир Шарқ ғазалиёти ва дидактик адабиётига хос анъаналаридан озикланган, иккинчи томондан, жаҳон илғор поэтик тафаккуридан таъсирланган, ижодий ёндашган ҳолда ижод қилаётир. Иккинчидан, бадиий тафаккурда, жумладан, шеъриятда давр руҳи, жорий тарихий-ижтимоий шароит, ижодкор шахсий истеъдоди ва дунёқараш ақс этади. Шу жиҳатдан ҳозирги ўзбек шеъриятидаги ижодий янгилаш жараянлари ҳам жамият ҳаётидаги ўзгаришлар маҳсулидир. Булар асарларнинг ғоя, мавзу ва поэтик образ каби компонентлари қатори услубий-шаклий унсурларда ҳам яққол кўринмоқда.

Сирожиддин Саййид шеърияти афористик мазмун билан бойиган ва турли бадиий-гасвирий воситаларни маҳорат билан қўллаш намунаси. Шоир уларни ўз ғоявий-бадиий ниятини ифодалашда, мавзу, жанр ва услуб хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда истифода этади. Хусусан, ижтимоий-фалсафий ишқий лириканинг ўзига хос мазмун қирраларини ақс эттиришда

дур, куёш, гавҳар, тун, гул, кундуз, осмон, сой, тоғ каби метафорик сўзларнинг турли маъно товланишлари салмоқли бадиий-эстетик вазифа ташиши билан бетакрордир.

Анъанавий ва замонавий поэтик образлар – бадиий-эстетик тафаккур маҳсули. Уларда муайян жамият руҳи, етакчи тамойиллари ва ғоявий-эстетик идеали акс этади. Иккинчидан, ижодкор истеъдоди, нияти услуби тақозосига кўра поэтик образ янги бадиий функционал имкониятларга эга бўла боради. Бу хусусият Ҳ.Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф, С.Сайид, Ш.Рахмон, Усмон Азим, Б.Рўзимухаммад ижодида кузатилади. Бу жараён ҳозирги шеърятимиздаги Хумо, Эрк, Тонг, Куёш, Тупроқ, Дарахт, Баҳор, Йўл, гул каби анъанавий образларнинг ҳар хил маъно қирраларининг ўзликни англаш, истиқлолга садоқат, адолатпешалик, ҳақгўйлик, ўз-ўзини тафтишлаш ва шаклий услубий микёсларнинг тобора кенгайиб боришига имкон бераётганлигидан далолат беради.

2.2. Сирожиддин Сайид “Сўз йўли” тўпламининг поэтик хусусиятлари

Бугунги шеърятда поэтик образ яратишнинг хилма-хил усуллари кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, ранг, осмон жисмлари, табиат ва жониворлар билан боғлиқ воситалар талқинлари орқали поэтик образнинг янги қирраларини кашф этиш кучаймоқда. Чунончи, ўзбек шеърятида азалдан ранг тимсолига катта аҳамият берилган. Халқ оғзаки ижодида ҳам, мумтоз адабиётда ҳам ранг билан боғлиқ рамзий образлар кишилар дунёқараши, турмуш тарзи, табиат ҳодисаларига бўлган муносабати ва эътиқоди асосида юзага келган тасаввурлари билан боғлиқ тарзда акс этган. Халқ мақоллари, кўшиқлари, эртак ва дostonларида ҳам ранг рамзлари фикрни аниқ, лўнда, образли ифодалаш воситаси сифатида кенг қўлланилган. Мумтоз адабиётимизнинг етук намуналаридан Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Аҳмад

Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” каби асарларида ранг рамзлари ила тасвирланган образлар, бадиий лавҳалар, табиат тасвирига алоқадор ўринлар талайгина⁷.

Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам, Алишер Навоий асарларида ҳам, айниқса, “Сабъаи сайёр” достонида ранг билан боғлиқ рамзий образлар муаллифнинг диний-фалсафий ғоясини очиб беришда муҳим ўрин тутди.

Ўзбек шеъриятида ранг тимсоли билан боғлиқ талқинлар тобора кенгайиб бормоқда. Улар бир томондан, бадиий фикр таъсирчанлигини оширишга, иккинчи томондан, поэтик образ яратишга қаратилган. Бу тасодифий эмас. Зеро, рамзийлик, айниқса, ранг билан боғлиқ рамзлар шоир поэтик тафаккури ва тасвирнинг оригиналлигини кўрсатувчи воситадир.

Мана бир мисол:

*“Яшил рўмолингда – яшил кунларим,
Қизил рўмолингда – қизил тунларим,
Шому тонларимдай оқ рўмолларини
Қолган барча дунё – ёлгон унларим”.* (205-бет).

Адабиётшунос Н.Раҳимжонов: “Серқирра ва серқатлам ҳодиса – бадиий тафаккур тушунчаси санъаткорнинг фикрлаш тарзида зухур топган фалсафий, ахлоқий, илмий, ижтимоий-сиёсий қарашларнинг муайян ҳосиласидир”⁸ деб ёзганида бадиий тафаккурнинг бадиий онг, поэтик идрок ва ифода орқали воқе бўлишига диққатимизни қаратган.

Дарҳақиқат, образлилик – бадиий тафаккурнинг асосий хусусияти; ижтимоий-тарихий тараққиёт, инсон турмуш тарзи, умуман, жамиятда кечаётган жараёнлар, эстетик қарашлар ушбу категория билан боғлиқ. Унинг энг муҳим хусусиятлари, моҳияти чинакам бадиий асарларда, уларнинг халқчиллик билан суғорилган руҳида намоён бўлади.

⁷ Жуматова Н. Ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар: Филол. фанлари номз... дисс.автореф. –Тошкент. 2000. –Б.3.

⁸ Н.Раҳимжонов. Мустқилликдаги ўзбек шеърияти. –Т.: Фан, 2007. 4-б.

Сирожиддин Сайииднинг ўтган асрнинг 80-йиллар охири 90-йилларида яратилган қатор шеърларига хос образлилик халқчиллик билан уйғунликда кўринади. “Ҳисларга таъсир этувчи ҳақиқий бадиий асар” (Иззат Султон) ижодкор дунёқараши, фавқулодда салоҳияти, теран фикр ва туйғулар ҳосиласи бўлиш билан бирга, воқеликни ўзига хос англаш ва бадиий кашф этиш тарзи-услуби билан ҳам узвий боғлиқдир. Зеро, услуб алоҳида ижодкорга, йўналиш эса муайян ижодкорлар гуруҳига мансуб ифода йўлидир. Ҳар бир асар маълум бир услубда ёки услубий йўналишда яратилар экан, у бадиий тафаккурнинг ўтган ёхуд замонавий даври хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда воқе бўлади.

Сирожиддин Сайиид услубига хос таъсирчанлик, халқчиллик хусусиятлари унинг XX асрнинг 80-90-йилларига мансуб ижод намуналаридаёқ яққол кўзга ташланади.

Ватан надир –

Шоҳ шоирини

Согинчда йиғлатган бир қовунидир.

Шоир кимдир –

Мир Алишер бобонинг

Биринчи ва мангу муовинидир.

Шеър гарчи шоирнинг кўксида ёнган,

Бўғзини куйдирган олов унидир.

Шеърят – гул эмас, чечакмас асли

Руҳ ва кўнгилларнинг кир совунидир.

(“Нуқтаи назар” номли шеър).

Шоир “Ватан надир?” сўроғига Абдулла Орифдан, Ҳамид Олимжондан, Муҳаммад Юсуфдан ўзгача жавоб беради. “Шоирлар шоҳини йиғлатган бир қовунидир” мисраси Мирзо Бобирни эсга солса, “шоир кимдир?” сўроғига берилган жавобдан “Мир Алишер бобнинг биринчи ва мангу муовини” –

ижоди, яратган асарлари тушунилади. Шоир Сирожиддин Саййид мангу саволларга ўзигагина хос тарзда таъсирчан ва бетакрор жавоб қайтаради.

“Янги-янги йиллар келади” шеърида эса шоир инсон умрининг “икки эшик ораси” даги ҳодиса эканига ишора қилади:

*Гул бозорга ўхшайди ҳаёт,
Янги-янги гуллар келади.
Бўйингга гул ўлчайди ҳаёт,
Янги-янги йиллар келади...*

*Улуғ бўлар барча инсонлар,
Умр ўтар, умр елади.
Ер юзида қолмас ёмонлар,
Янги-янги йиллар келади.*

“Янги-янги” такрорийлик воситасида шоир инсоннинг умид билан яшашига, ҳамиша янги тилак, янги орзу-истаклар билан янги йилларга – умр пиллапояларига қадам ташлашини, бу поёнсиз зинапоя эса узоқ келажакка, янги даврларга туташиб кетишини таъсирчан ва образли ифодалашга эришган.

Демак, Сирожиддин Саййиднинг XX асрнинг 80-90-йиллари ижодида анъанавий мавзулар янги қирралардан поэтик талқин қилинган. Шоир ижодига хос образлилик қатор рамзлар билан уйғунлашиб, образ-рамз шаклини олган. Улар воситасида шоир Ватанга муҳаббатини, ҳаёт фалсафасига ўз муносабатини, имон-этиқодини ёрқин ва таъсирчан ифодалашга эришган.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида эстетик тамойиллар ва хусусиятлар тобора такомиллашиб, унинг янги-янги қирралари намоён бўлиб бормоқда. Табиийки, бу жараён давр ва инсон, ижтимоий-маиший турмуш ва эстетик онг, шуур муносабатлари билан боғлиқ ҳодисадир. Бунда поэтик тафаккурнинг ғоявий, шаклий, услубий йўналишлари ва ижодкорнинг

воқеликни бадий ҳис этиш тарзи ҳам янгиланиб боради. Бинобарин, адабиётшунос У.Ҳамдамов эътироф этганидек, “Янги жанр ва ифода йўсинларини вужудга келишига айнан ҳаёт ритмининг ўзгариши, ижтимоий-маиший, маданий ҳаётимиздаги янгиланишлар сабаб бўлади. У янги кайфиятнинг меваси, шоир воситачилигида жамият эҳтиёжининг қондирилиши йўлидаги ҳаракатлардир”⁹. Миллий шеърятимизнинг ХХ асрдаги, хусусан, унинг иккинчи ярми ўрталаридан кучайган янгиланиш палласида бу ўзгаришлар яққол кўрина бошлади ва мустақиллик даврида ўзини тўла намоён қила бошлади.

Дарҳақиқат, ўзбек шеъряти ниҳоятда кўп қиррали ва турфа хислатлар билан тўйинган шеърят бўлиб, бу ҳол унинг бутун “организми”даги унсурларида акс этади. Бу жараён тобора илгарилаб, хилма-хиллик шеърятнинг барча шакллари қамраб олмақда. Бу шакллар қанча ранг-баранг бўлмасин, улар шеър моҳиятини ташкил этувчи мазмуннинг бирламчилик хусусиятининг сақланишига, унинг гўзал ва таъсирчан ифодаланишига хизмат қилишга қаратилгандир. Лекин бу жараён осон кечаётгани йўқ. Адабиётшунос Э.Очиловнинг куйидаги фикрларидаги куюнчаклик шундан далолат беради: “Бизда ҳозир шаклий-услубий изланишлар кўпайди. Янги тажрибалар қилаётган шоир ва ёзувчилар кўкка кўтариб мақталапти, улар анъана қобиғи ёриб чиққанликда улуғланаяпти. Лекин масаланинг моҳифятига етиш керак: бу уринишлар чиндан ҳам янгиликми ёки тақлидми?”¹⁰. Ҳозирги шеърятимизнинг аҳволи, хусусан, етакчи тамойилларини ўрганиш бу масалани ўрганиш бу масалани ойдинлаштириши шубҳасиз.

Бугунги шеърятимизда услубий изланишлар асосан, уч йўналиш – халқона, анъанавий, модерн йўналишда давом этаётганини адабиётшунос

⁹ Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.7.

¹⁰ Танқид, мунаққид ва адабий жараён (илмий-адабий мулоқот) // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 2004. 4-сон. – Б.39.

У.Ҳамдамов эътироф этади¹¹. Бу фикрни тадқиқотчи А.Ҳайитов қувватлаб, модерн йўналишда шоир воқеа, ҳодиса ёки фикрга шахсий муносабатини ифодалашни бадиий тил имкониятлари орқали амалга оширилишига алоҳида урғу беради¹². Биринчиси халқона, иккинчиси анъанавий бўлиб, поэтик тафаккурнинг туб илдизларидан бошланиши уларнинг умумий хусусияти бўлса, тасвир ва ифодада оғзакилик таъсири, равонлик ва мусиқий жиҳатларини устуворлиги халқона йўналишнинг қамрови ва қўлланишининг нисбатан кенглиги билан характерланувчи поэтик фикрлаш эса анъанавий йўналишнинг хусусиятидир. Учинчиси – ижтимоий воқелик ва инсонни янгича, аввалги шаклларга ўхшамаган тарзда бадиий талқин этиш аспектида бўлиб, у замонавий деб аталмоқда. Табиийки, бу йўналишлар турли услубий шакллар ва янги хусусиятлар билан ўзгариб, бойиб бориши тайин. Буни иккинчи йўналишда мумтоз лирика жанрларининг бугунги воқелик мазмуни билан бойиб бориши ва бошқаларда кўрамиз. Учинчи йўналишдаги изланишлар эса амалда 90-йилларда янада кенгайди, шеърятимизнинг ўзак хусусиятларидан бирига айланди. Зеро, адабий поэтик жараёнда фалсафий-психологик таҳлил образлар талқинида ўзининг комиллик хислат-фазилатлари билан курашувчи инсонни вояга етказиш, улуғлаш фалсафий шеърятимизнинг яна бир хусусияти бўлиб қолди. Бу йўналишларга хос яна бир жиҳат тасвир ва талқин характерида кўринади: анъанавий йўналишда реалистик, замонавий (модернистик) йўналишда руҳий-ҳиссий талқин устувордир. Бу хусусиятлар ҳар иккала йўналишда ҳам ўзига хос тарзда ўз ифодасини топмоқда.

Кўринадикки, йўналишларни белгилашда муштарак қарашлар устун бўлиб, халқона услубда, асосан, вазни ва фольклорга хос мотив ва оҳанглар назарда тутилса, мумтоз лирикадаги изланишларда асрий анъанадаги устунликка ишора қилинади, модерн эса бутунлай янгича, энг замонавий

¹¹ Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. –Т.: Янги аср авлоди. 2002. –Б. 170-171.

¹² Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар: Филол.фанлари номз... дисс.автореф. –Т.: 2004. –Б.16.

фикрлаш тарзи сифатида эътироф қилинмоқда. Бизнингча, ҳозирги шеърятдаги услубий изланишлар қирралари қанчалик кўп тармоқли, серқатлам бўлмасин, уларнинг кенг тарқалиши асосий услубий йўналишлар – анъанавий ва замонавий йўналишлар бағрида амал қилади.

Ҳозирги кунда адабиётшуносликда “медерн” термини турлича аталмоқда. Унга нисбатан “йўналиш”, “оқим”, “услуб”, “метод”, “адабиёт” каби атамалар қўлланилмоқда. У ҳақдаги қарашларимиз тўла шаклланмаган ҳозирги даврда шундай бўлиши табиийдир. Лекин биз уни “услубий йўналиш” деб аташга мойилмиз. Чунки унга хос хусусиятларни ифодаловчи асарларнинг умумий ифода тарзи, руҳи шундай дейишга асос беради. Муҳими шундаки, “замонавий” сўзи модернизмнинг ягона белгиси эмас, ҳамма гап моҳиятда. Таниқли адабиётшунос Б.Саримсоқовнинг фикри бу масалага янада ойдинлик киритди: “Модерн ҳар қандай замонавий асарга қўлласа бўладиган атама. Аммо ҳар қандай модернни модернизм деб аташ мумкин эмас. Масалан, бугунги шеърятда верлибр, яъни эркин шеър етакчилики мавқеини эгалламоқда. Аммо бундай шеър модернизм дегани эмас”¹³. олим фикрининг давомида модерннинг оқимча сифатида қолиб кетганлиги, адабий йўналиш мақомини олмаганлиги таъкидланадики, бу қараш баҳслидир. Чунки кейинги 20 йил давомида ноанъанавий йўлда ёзилган бундай шеърлар модернизмни алоҳида йўналиш сифатида қарашга имкон беради.

Модерн шеърятда миллий-адабий улушлари билан бирга ғарбона бадий тафаккурнинг таъсири ҳам мавжудлиги ҳақидаги фикрлар кўп айтилмоқда. Ушбу қарашларда бу улушларнинг қай бири устунлик қилиши тўғрисидаги фикрлар эса турли-тумандир. Назаримизда, таъсир масаласида буюк танқидчи В.Г.Белинский фикри тўғри ва аниқ қарашдир. Мунаққиднинг таъкидлашича, адабий таъсир “Муайян поэзиянинг бошқаларда кўринишида

¹³ Саримсоқов Б., Очилов Э. Ҳозирги ўзбек шеърятининг тараққиёт тамойиллари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 2005. 3-сон. –Б.43.

эмас, балки унинг бошқа шоирда бўлган, лекин ҳаракатсиз ётган кучларни уйғотиш ва ҳаракатга келтиришидадир. Қуёш нури ердаги кучни қўзғатгани каби улуғ шоирлар таъсири ҳам худди қуёш нури сингари ҳаракатсиз ётган кучларни ишга солиб юборади”¹⁴. Дарҳақиқат, модерн бадиий тафаккур таъсири учун “ердаги нур” – миллий адабий замин эди. XX асрнинг 80-йилларигача мафкура тақозосига кўра бу заминда унсурлар ҳолида мавжуд бўлиб, ўзини тўла намоён эта олмаган “замонавий” поэтик идрок намуналари учун мустақиллик даврида зарур шарт-шароит, ижтимоий-эстетик зарурият вужудга келди. Бошқача айтганда, ҳозирги шеърятимиздаги модерн йўналишнинг тағзамини – асрий миллий адабий тажрибаларимиз бўлиб, ташқи таъсир эса уларни бойитган, яқингача деярлик “ҳаракатсиз ётган кучларга” рағбат берган омилдир. Умуман, ғарбона модерн шеърят таъсирини поэтик тафаккуримизнинг янгиланишидаги ўрнини ошириб юбориш ҳам, бутунлай рад этиш ҳам бир томонлама ёндашув бўлади.

Ўзбек модерн шеърятида адабий ворислик билан ижодий янгилик синтези турли миқёс ва даражада акс этади. Зеро, модерн тафаккур муайян дунёқарашнинг ўзига хос бадиий инъикосидир. Унинг учун инсон қалби чегарасиз худуд, ҳис-туйғу билан англашиладиган безовта олам. Бу олам эврилишларининг турфалиги фақат индивидуал шахс маънавиятини ифодалаш билан оригиналлик касб этади. Модерн шеърятда моддий борлик шахс руҳиятидаги сезим ва қатламлар талқини туфайли тасаввур қилинади, унда воқелик тарзи эмас, ижодкорнинг кўнгил истаги ва субъективлик олдинги ўринга чиқади: Бадиий нутқдаги серқатламлилиқ модерн шеърятнинг муҳим белгисидир. Шунингдек шакл парокандалиги метафорик-рамзий тасвир устуворлиги, тафтиш ва танқидий руҳнинг кучлилиги, оҳанг андозасизлиги, ижодкор шахсий майли ифодасининг эстетик тамойил мақомига эга бўлиши ҳамдир. Якка шахс, туйғу, сўз учлиги поэтик субъектнинг таянч унсурлари эканлиги ҳам етакчи хусусиятлар

¹⁴ Белинский В.Г. Собрание сочинений в трёх томах. –Т.: 1. –М., 1948. –С. 165.

сирасига киради. Бу хосликлар ўзбек модерн шеърияти шаклланишида тадрижийлик асосидаги ижоди ҳодиса эканига асло зид эмас.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъриятдаги модерн ҳодисасини бадиий тафаккур тадрижидаги табиий жараён сифатида баҳолар экан, “Адабиёт бир жойда қотиб турмайди. Доим тараққиётда. Аруз вазни минг йиллар мобайнида адабиётимизга хизмат қилди. Ундан кейин бармоқ вазнига қадам қўйдик. Бармоқ ҳам аруз вазнига нисбатан модерн ҳисобланади. Лекин бу билан адабиётнинг “қон гуруҳи” ўзгариб қолмайди”, - деб ёзади. Шунингдек, адабиётшунос Ҳ.Болтабоевнинг қуйидаги фикри модернча тафаккурнинг шаклланиши давр нуқтаи назаридан янада аниқ кўрсатилади: “Шеърият бир асрлик тажрибаси давомида “модерн” деб аталган ҳодисага ҳар қадамда дуч келди. Фақат истеъдодли шоирлар тажрибаси туфайлигига дастлаб “модерн” тарзида ўринлашган шеърий мушоҳада ва поэтик кўчимлар, урғуланган сўз ва метафорик тимсоллар йиллар ва ўн йиллар давомида устуворлик касб этиб, ижодий тажриба тарихига айланиб борди”¹⁵. Ҳозирги давр ана шу тажрибаларнинг ҳар қачонгидан тобора кенгайиб ва такомиллашиб бораётган босқичидир.

Рамзий-мажозий (модерн) йўналишнинг танилган вакили Баҳром Рўзимухаммад бундан минг йил олдин миллий шеъриятимизда ҳатто постмодернизм намуналари мавжудлигини фараз қилар экан, “Айни вақтда ўзбек адабиётида, жумладан шеъриятда нечта оқим бор?” – деган саволимизга шундай жавоб берди: “Шеъриятда тўртта оқим мавжуд: реализм, символизм, модернизм, постмодернизм”¹⁶. Кўринадики, бу ўринда “изм” қўшилган атамаларни ижодий метод, йўналиш ва оқимларга оид фикрларда ҳам учратамиз. Бу ўринда символизм ҳам модернизмнинг бир кўриниши эканлигини айтиш жоиздир.

¹⁵ Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. –Т.: 2007. –Б. 95-96.

¹⁶ Рўзимухаммад Б. Постмодернизм – унутилган эскиликми // Интеллект. –Т.: 2008. 17 январь

Модерн шеърият мустақил йўналиш сифатида шаклланган экан, бу йўналишга мансуб ижодкорларга хос хусусиятлар қанчалик муштарак бўлмасин, улардан ҳар бирининг ўзаро ажратадиган индивидуал жиҳатлари ҳам йўқ эмас. бу эса шоир услубида кўринади. Зеро, йўналиш бир-бирига яқин ёхуд ўхшашликни яъни эътироф этиш билан бирга, айтиш чоғда, муайян фарқли хусусиятларни ҳам инкор этмайди. Қуйидаги фикрлар бу қарашларимизни қувватлайди: “Абдували Қутбиддин ва Фахриёр билан Баҳром Рўзимуҳаммад шеърияти ўртасида илдизли тафовут борга ўхшайди. Биринчи икки шоир анъана доирасида, анъана заминида туриб модернистик кашфиётларга интилаётган бўлсалар, Баҳром Рўзимуҳаммад ижодиёти кўпроқ модернистик соҳил томонида каби. Чунки Абдували Қутбиддин ва Фахриёрга дунёнинг боши ва охири мавжуд бус-бутун олам ўлароқ кўриш хос, бинобарин улар яратаётган изчил мантиқийликка, узвий давомийликка асосланган бўлса, Баҳром Рўзимуҳаммад “дунё”сининг ҳақиқатан ҳам “оёғи осмонда”. Унинг шеърларида Фахриёр ва Абдували Қутбиддин асарларида акс этган “бутун дунёнинг сочилиб кетган синиқларидек таассурот қолдиради”¹⁷. Назаримизда, бу холис баҳога яна бир жиҳатни кўшиш мумкин: Баҳром Рўзимуҳаммад кўпчилик шеърларида диний-тасаввуфий тушунча ва маънолардаги фалсафий қарашларни замонавий мазмун билан бойитишга ва янгича оҳангларда куйлашга кучли майл билдириши билан ҳам ўзига хосдир. Йирик олим У.Норматов бу хусусиятни ҳозирги кўпчилик шоирларга ҳам хос эканлигини “модерн адабиётининг рқим тусини олиши” давридаги вазият билан боғлайди ва ёзади: “айниқса, Ғарб фалсафаси, жумладан, экзистенциализм билан Шарқ қадимий тасаввуф таълимоти орасидаги муштаракликлар модернистик ижодкорларда ўзгача қизиқиш уйғотди, уларни дадил ижодий изланишларга илҳомлантирувчи, аждодларимизнинг қадим ўғитлари, бугунги куннинг ғоят сержило, кўп

¹⁷ Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. –Т.: Фан, 2007. –Б. 165-166.

пардали садолари ўзига хос бир тарзда уйғунлаша бошлади”¹⁸. Бу икки хил ижтимоий-эстетик қарашлар синтези анъанавий ва замонавий йўналишларга ҳам тааллуқли бўлиб, ҳар бирида услуб жиҳатдан ўзгача талқин топмоқда.

Ҳозирги давр миллий лирикамиз ривожда янги, юқори босқич эканлиги, ундаги сифат кўрсаткичларининг замини ва замонавий омиллари фанда тобора кенгроқ таҳлил этилмоқда. Муҳими шундаки, бу жараёнда ижтимоий-эстетик факторлар билан бир қаторда шоир шахсияти, ижодий қиёфаси, фаоллиги, воқеликни англаш иқтидори, ижод эркинлигидан фойдаланиш даражасининг ўрнига ҳам эътибор қаратилмоқда. Бу хусусиятларнинг ифодаси шеърият мавзусининг кенгайиши, ғоявий-мазмуний миқёсининг ошиши, шаклий изланишларининг ранг-баранглашуви, индивидуал услубнинг ёрқинлашуви, лирик қаҳрамон “мен”нинг бадий-эстетик функцияси такомиллашганлиги каби ҳолатларда кўринмоқда.

¹⁸ Норматов У. Ижод сехри. –Т.: Шарқ, 2007. –Б. 246-247.

УЧИНЧИ БОБ. МАВЗУНИНГ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚИ.

3.1. Ҳалима Худойбердиева ижодини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўргатиш бўйича таълим технологияси модели.

Мавзу:	Шоира Ҳалима Худойбердиева ҳаёти ва ижоди
Машғулот вақти: 2 соат	Талабалар сони: 30 та
Машғулот шакли:	Кириш-ахборот маърузаси.
Машғулот режаси:	1. Халқ шоираси Ҳ.Худойбердиева ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот. 2. Шоиранинг шеърий тўпламларига шарҳ. 3. Шоиранинг мустақиллик даври ижоди. 4. Сўнгги йиллар ижодига хос ифода йўсинри; лирик “мен” қиёфаси.
Машғулотнинг таълимий мақсади:	Ушбу мавзу орқали шоир Ҳ.Худойбердиева ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар ўзлаштирилади. Шоира ижод йўли ҳақида тасаввур ҳосил қилинади; маҳорати билан услубининг такомиллашиб бориш жараёнлари ўрганилади; шеърий тўпламларига хос бадиий хусусиятлар ўзлаштирилади.
Машғулотнинг тарбиявий мақсади:	Шоира ижодини ўргатиш воситасида унинг ижодий қиёфаси танитилади; яратувчи шахс ибрат қилинади; ижод намуналари таҳлили орқали талабалар маънавиятини юксалтириш.

Маъруза машғулотининг ривожлантирувчи мақсади:	Талабаларнинг тошунча тасаввурлари кенгайди, оғзаки ва ёзма нутқи, фикрлаш салоҳияти ривожланади; шоира ижоди намуналарини таҳлил қилиш малакалари такомиллашади.
Педагогик вазифалар: 1. Шоира ижодини тизимли ўргатиш. 2. Биографик метод асосида шоира ижодий қиёфасини ёритиш. 3. Структурал метод асосида шоира ижоди намуналари таҳлил қилишга ўргатиш. 4. Шоира ижодининг бадий ўзига хосликларини белгилашга эришиш. 5. Таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаш.	Ўқув фаолияти натижалари: 1. Шоира ижодига хос анъанавийлик билан ўзига хослик, ижодий индивидуаллик хусусиятларини ажратиш, баҳолаш малакаси таркиб топади. 2. Қатор шеърлари таҳлили жараёнида оғзаки нутқи, мулоқот, баҳс маданияти ривожланади. 3. Бадий асарларни таҳлил қилиш малакаси такомиллашади. 4. Шеър таҳлилига оид назарий билимларини амалиётда қўллаш малакалари ривожланади. 5. Мустақил фикрлаш салоҳияти ўсади, маънавияти юксалади.
Таълим бериш методи ва усуллари:	Маъруза методи, “Интерфаол” усуллар.
Таълим бериш шакли:	Жамоавий, таълим технологияси асосида
Таълим бериш воситалари	Дарслик, мажмуа, шоирлар расмлари.

3.2. Ҳалима Худойбердиева ижодини ўргатишга йўналтирилган дарс лойиҳаси

Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичида шоира Ҳалима Худойбердиева ижодини ўргатиш самарадорлигини ошириш учун таълим технологияларидан “Модулли технология”, интерфаол усуллар

асосидаги дарсларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бундай дарсларни лойиҳалаштиришда таълим босқичи, ўқувчи-талабаларнинг, ёш, физиологик, психологик хусусиятлари эътиборга олинishi лозим. Айни дамда ўқувчи шахсига йўналтирилган таълимнинг “ҳамкорлик педагогикаси” йўналишида ўқувчиларни таълим мақсадларига биргаликда фаол изланиш-интилишларини тўғри йўналтириш орқали эришиш мумкин. Бунинг учун:

1. Таълим мақсадларини аниқ белгилаш.
2. Педагогик вазифаларни қўйиш.
3. Таълим бериш метод ва усулларини унинг мақсадига мослаб, методик талаблар асосида белгилаш.
4. Таълим бериш шакли ва воситаларини, баҳолаш шаклини олдиндан аниқлаштириш талаб қилинади.

Машғулот режаси асосида Ҳалима Худойбердиева ҳаёти ва ижод йўли ҳақида ўқувчиларга маълумот берилади. Слайд орқали экранда шоира ижодидан намуналар ва таникли адабиётшуносларнинг фикрлари ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади. Ушбу мисралар шоира имон-эътиқодини, қиёфаси мазмунини англатишига ишора қилинади.

*“Мен шунчаки ўйлагим келмас,
Хаёл-шароб мисол, қилсин сархушт, май.
Мен шунчаки куйлагим келмас,
Овоз пардаларим чидаб берса, бас”.*

(“Шунчаки” шеъридан).

*“Қон асли ёруғлик. Ёруғлан тиз чўк,
Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.
Қанча қонинг бўлса, Ватан учун тўк,
Қанча шонинг бўлса – Ватанни қўтар!”*

(“Даъват” шеъридан).

*“Бошпанамми, бош паноҳим,
Қуёш, моҳим манимсан.*

*Кўнглим куйиб айтар оҳим,
Қайтар оҳим, манимсан...
...Ватан!
Шунда оналигинг
Ногоҳ чуқур туйгайсан,
Беш боламнинг кўз ёшларин
Ўзинг артиб қўйгайсан!...*

(“Ватан” шеърідан).

“Менинг фикримча, Ҳалима халқимиз бошига тушган кулфатлар, ғам-андухлар, кувончли кунларнинг бирортасига бефарқ қараб ўтмайди. Халқимиз “Совет армияси” сафларидан темир тобутларда қайтган ўғлонлари боис озмунча озор чектими? Ҳалима бу ғамни бутун даҳшати билан “тобутларда сарсон армонлар” даражасига кўтариб, ўзининг “Каромат” шеърига сиғдирди... оламдаги жамики воқеа-ҳодисалар аввало она юрагида, аёл қалбида зарбланиши, акс садо беришига амин бўлдим...Ҳалима Худойбердиева ижодида муқаддас юрт камоли, бошимизга кўнган Хумо куши, орзу, армон, нафрат, исёнлар хилма-хил рангларда кўриниш бермоқда...”


Абдулла Ориф

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

“Ҳалима бугун шеърларида ҳақиқат ва адолат” жарчиси бўлиб қолди. Унинг шеърларида ҳаёт фожиалари, драмалари билан ифодаланса-да, мардонавор руҳини йўқотган эмас. Ҳалиманинг шеърляти бизни бедорликка чақиради, виждонимизни уйғотади. Вужудимиздан лоқайдлик балосини сиқиб чиқаришда ёрдам беради. Бу шеърят кўп йиллар мобайнида кирланган руҳиятимизни поклашга хизмат қилади.

Озод Шарафиддинов

Ҳалима Худойбердиева яратган шеърий тўпламларни “тармоқлар” усулида қуйидаги чизма кўринишида ўқувчи-талабалар эътиборига ҳавола қилиш мумкин:



Ўқувчиларга шоир ижод йўли ҳақида маълумот берилгач, саволли тарқатмалар асосида шеърлари таҳлилига ўтилади.

1-савол: Шоира шеърларини қандай рукнларга ажратиш мумкин:

(“Ватан, Турон ва туркка бағишланган шеърлар; Ошиқлик ва ишқ кудратини тараннув этувчи шеърлари; оналик бурчи ва фарзандлик масъулиятини куйлаган шеърлари; фалсафий мушоҳадаларга йўғрилган маърифий шеърлари... в.х.к. ”)

2-савол: Шоира Ҳалима Худойбердиеванинг “Йўлдадирман” тўпламигоа кирган шеърларига хос инсоний дардни ғис қилдингизми? Бу “дард” орқали шоира қандай туйғуларини ифода қилган?

(“Ишонч дарвозаси”, “Сизсиз”, “Уят”, “Майса”, “Ёлғизлик”, “Тиёлсанг нафсингни” шеърлари таҳлил қилинади).

3-савол: 1990 йилда битилган “Туркистон онаси” шеърида шоира она образи воситасида қандай бадий-фалсафий ғояни ёритган?

4-савол: “Мустақиллик”, “Менга айтадилар”, “Йиғладим, Художон” шеърларини мустақил таҳлил қилиш.

Ўз фикр-мулоҳазаларингизни шеър матнига таяниб асослашга ҳаракат қилинг.

Ўқитувчи “Муқаддас аёл” тўпламига хос хусусиятлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтиши лозим, деб ўйлаймиз. Бу тўпламга хос бош хусусият - ундаги шеърлар қатига яширинган шоира шахсияти, “мен”и. “Мен” қалб изтироблари, аламлари, дарду қувончларини тўкиб солади.

Мактаб адабий таълимидаги устувор тенденциялардан бирини адибларнинг асарларида уларнинг шахсий фазилатлари у ёки бу даржада акс этишини укувчига англатишдан иборатдир. Адабиёт дарсларида адибларнинг узига хос рухияти билан шахсиятларини бадий асарлари таҳлили орқали кашф этишга укувчини йуллашда Халима Худойбердиеванинг “Уят” шеъридан фойдаланиш мумкин:

*Бошингни силаган осмон уятли,
Суймай, куймай яшаи осон, уятли.
Ишқ – шу бир дард билан чиқишолмасанг,
Дунёда дарларингбесон, уятли.
Қирғоқ бузиб, тошиб, тўлмасанг – уят,
Ким учундир адо бўлмасанг – уят.
Яшаида яшарсан нени десанг деб,
Ўлганигда ишқ деб ўлмасанг – уят!*

Тўғри, ҳаётда уят ҳисобланадиган ишлар анчагина. Лекин “Суймай, куймай яшаи”нинг уятлиги, “Қирғоқ бузиб, тошиб, тўлмас”ликнинг уятлиги, бировлар учун “адо бўлмас” ликнинг уятлиги ёки “Ўлганигда ишқ деб ўлмас”ликнинг уятлигини Ҳалима Худойбердиева теран ҳис этади. Шундай баланд “уят”лардан орланишни ўзбек ўқувчисига сингдириш маънан баланд ўзбекни тарбиялаш демакдир.

Ўзининг шахсиятини асарлари замирига беркитган шоира ёзади: “Бу туғёнсиз. Парчин қонсиз, ишққа жонсиз. Бу қурбонсиз умр меники эмас”. у ишқсиз, фидойиликсиз, туғёнсиз, исёнсиз яшолмайди.

Ҳалима Худойбердиева “Аёл ўтиб борар” шеърида шундай ёзади:

*Сен сўрама, мен ҳам айтмайин,
Қурагимнинг синганини қарс.
Шовқин солма, мен уйготмайин,
Юрагимда ётар бир йўлбарс.*

Аёл зоти табиатан мунгли, таянчталаб бўлади. Бизнинг шоира сиртдан шундай бўлиб кўринса-да, табиатан ўзи айтмоқчи: “Ич-ичида йўлбарс ўкириб, Сиртдан майин жилмайган аёл”. Бундай аёллар камдан-камлигини ўзи ҳам билади. Шунинг учун ўзини мумтозларга менгзай олади:

*Гарчанд бугун суймоқ, куймоқ дарди кам
Ё, Раб, эртага ҳам тўлиб ўтмаса,*

Бду дунёда йўқ денг Ҳалимани ҳам,

Камида Нодира бўлиб ўтмаса.

“Бу йўллар”.

“Ҳайрат, сен қайдасан бўл паноҳ... Лоқайдлик ёмғири ивитди. Ҳайрат, кел, кўксимда кўтар қад, Мен ёлғиз сеники бўларман. Кун келиб ўлсам ҳам, мен фақат ҳайратнинг қўлида ўларман”. Бу мисралар руҳиятимни жунбушга келтирди. Лекин ичимда нега шундай ҳолат юз берганини ифодалашга ожизман. Шунини биламанки, бу – шоиранинг “Мен”и. У бошқача бўлолмайдими ҳам, бошқача яшолмайдими ҳам. Бу унинг қўлидан келмайдими. Унга шундай яшаш буюрилган, шундай яшайди. У билади: “Йиғлашга мойилни йиғлатар ҳаёт, Синишга мойилни... у синдиради”. Ҳаммаси кишининг табиатига, менига боғлиқ. У бир нарсага амин: “... Кўкрак қафасингда яшаса йўлбарс ўлгач ҳам ўкириб турса ҳам бўлади”.

Лекин ҳаёт шафқатсиз. Халқ кўшиқларида: “Бу дунёда бор бўлса юрак-бағри бутуни, Қоғоздан ўчоғқ ясаб, гулдай қилай ўтинни” дея куйлаганидек, ҳамманинг дарди ўзига етарли. Лекин ичдан баланд одамнинг шиори бундай: “Бир сиригни ололмай Ёш дунёлар қарисин”.

Ҳалима Худойбердиева ўзининг бир инсон, айрича шоира сифатида қандайлигини қуйидаги тўртлигига мужассам қилиб жойлаб қўйган:

Менам ўз-ўзимча роз айтдим, кетдим,

Не айтдим. Ўзимга хос айтдим. Кетдим.

Бу дунёга келиб бор қилган ишим:

Бир икки сўз айтдим. Росат айтдим, кетдим.

Ҳалима Худойбердиева самимиятга мойил шеърхонни мана шу ҳақиқатлари билан ўзига ром қилади. У ўзбекнинг улкан онаси сифатида фарзандларни ростликка, юрт ободлиги учун курашларга чорлаб туради. Миллатнинг шоирларини буюқдик, уйғоқлик, зийраклик ва огоҳликка ундаб туради. Миллат оналари улуғларга интилишдан, уларга эргашишдан толмасин.

Уйга вазифа: Шоира “Сайланма”сидаги тўртликлари ва сўнгги йиллар ижод намуналарини ўқиб ўрганиш ва таҳлил қилиш.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. С.Сайид шеърларига хос лирик “мен” орқали шоирнинг ҳаётга қараши, фалсафий-эстетик мушоҳада йўсини, кечинмалари англашилади.

2. С.Сайид лирикасида поэтик образ тушунчаси муайян тизим шаклида бўлиб, унда анъанавий образлар ҳам муҳим ўрин тутди. Улар предмет, нарса ёхуд тушунчаларнинг предметик маъноларидан ташқари умумлашма тасаввур ҳамда мажозий маънога эга бўлган образлар ҳам учрайди. Улардаги поэтика маъно бадиий текстда семантик-стилистик функция бажаради ва поэтик ғояни эмоционал ифодалашга кўмаклашади.

3. Ҳозирги ўзбек шеърятининг етакчи хусусиятларидан бири рамзий-мажозий фикрлаш тарзи бўлиб, у халқона ва анъанавий бадиий тафаккурдан озикланиш, уни янада бойитиш ва кенгайтириш намунасидир. Рамз ва метафораларга асосланган образлиликда бадиий идрок ва фалсафий умумлашмаларнинг табиий синтези, фикрнинг қуйма ва таъсирли ифодаси юзага келади. Айти хусусият С.Сайиднинг “Сўз йўли” шеърини тўпламига ҳам хосдир.

4. Рамзий-мажозий ёндашув поэтик асарнинг номланишидан хулосасигача бўлган барча унсурларида, ижодкорнинг бадиий нияти, тасвир, ифода шакллари ва услуби, образлар тизими ҳамда бадиият талқинларида зоҳир бўла олади. Ижод лабораториясида қайта идрок этилиб, сайқалланган фикр нарса, ҳодиса ва тушунчаларнинг мажозлашуви натижасида кўчма маъно ташувчи тимсолли мазмун – бадиий ғоя ифодасига айланади. Зеро, рамз ва истиора намуналари поэтик образга юкланган бадиий-эстетик функциянинг адо этилиши йўлидаги махсус воситалар ҳамдир. С.Сайид лирик “мен” ифодасида бундай воситалардан унумли фойдаланган.

5. Рамз ва мажозлар барча ижодкорлар учун ғоявий-бадий мазмунни таъсирли ифодалаш ва тасвирда эмоционалликни ошириш имкониятидир. Аммо бунда ҳар бир шоирга хос ижодий индивидуаллик, поэтик маҳорат, услубий ўзига хослик каби хусусиятлар муҳим роль ўйнайди. Жумладан, рамзий-мажозий талқинлар Ҳ.Худойбердиева, М.Юсуф, С.Сайид каби шоирлар асарларида, асосан, фалсафий-интеллектуал мазмунни анъанавий йўналишда, Баҳром Рўзимуҳаммад шеърларида эса инсон руҳияти, ҳиссий эврилиш оламида модернча, янгича йўналишда тадқиқ этишга қаратилган.

6. Муҳаммад Юсуф шеърларида лирик “мен” орқали поэтик фикр ва лирик қаҳрамон ҳис-туйғулари моҳирона ифода этилади. Бу ҳис-туйғулар шахсий ҳис-туйғуларнинг оддий ифодаси эмас. Улар умумлашган лирик кечинмаларга асосланган. Шоир “мен” туйғуларини, поэтик фикрга вобаста ифода этади. Лирик қаҳрамон кечинмалари шоирнинг аниқ йўналтирилган ҳулосаси билан қоришиб кетган. Унда хоҳ фарзанднинг дардли нолалари бўлсин, хоҳ ошиқнинг севгиси – бу туйғулар лирик кечинманинг асосини ташкил этади ва “мен”нинг шу кечинмага сингишиб кетган муносабатини, ҳамдардлик, ҳамфикрлик ҳолатини ифода қилади.

7. Етуклик Муҳаммад Юсуф лирикасининг асосий фазилати. Бу етуклик, аввало, Муҳаммад Юсуф шеърларининг равон ва қўйма, композицион жиҳатдан пухта ва тугалланган бўлишида кўринади. Шоир ҳар бир банднинг, ҳар бир мисранинг бениҳоя мазмундор бўлишига эриша олган. Шоир ўз лирикасида илгари сураётган ғояни ёрқин ифода қилай олганлиги кўзга ташланади. Бу ҳолат уни ниҳоятда равон ва муסיқий бўлишига кўмаклашади. Муҳаммад Юсуфнинг энг яхши лирик асарларида бирорта ортиқча поэтик образ йўқ. Шу нуқтаи назардан қараганда Муҳаммад Юсуф шеър композицияси устида қунт билан ишлаган маҳоратли шоирдир.

8. Муҳаммад Юсуф маҳорати образ яратишда ҳам намоён бўлган. Шоир шеърятининг ғояси ва образлари ҳар қандай мавзуда ўзгача зухур бўлади. Шеърларидаги ғоя (у қайси мавзуда ёзилган бўлмасин) яратган образларга

таъсирчан тарзда сингиб, уларни ҳаёт билан боғлайди. Шоир яратаётган образларига катта эътибор беради, уни кўпроқ табиатдан танлашга ҳаракат қилади. Гул, шабнам, олма, ой, юлдуз, ялпиз, мажнунтол, майса, уфқ, куш, оҳу ва шу каби тимсоллар Муҳаммад Юсуфнинг севиб ишлатган образларидир. Айни дамда рамзлар шоир “мен”ига қоришиқ ҳис-туйғуларни, поэтик маъноларни ташийди.

Шоирнинг кўп қиррали ижоди хилма-хил образлар ва ғояларни қамраб олган. Уларда зарурий ва ҳаётий масалалар кўтариб чиқилган. Муҳаммад Юсуф лирик “мен” тилидан ифодаловчи кечинмаларни кўпинча ички монологдан фойдаланади. У қайси манзарани тасвирламасин, қайси бир ғояни ўртага ташламасин ўз маҳорати ва услубини намоён қила олган шоирдир.

9.Халима Худойбердиева ижодини ургатишда унинг шеърлари замиридаги поэтик ғояни таҳлил қилиш ва шоира рухиятини, ҳаётга, одамларга карашлари, муносабати замиридаги дардларини, кечинмаларини укувчига хис қилдириш орқали шоира “мен”ини англантишга эришилади. Бинобарин, ижодкор “Мен”ида унинг кунгил олами, кувончу изтироблари, рухияти мужассамдир. Бу жихатлар шоир киёфасини, унинг феноменини белгилаш имконини беради.

10.Халима Худойбердиева шеърятини таълим боскичларида ургатишда унинг узига хос тасвирлаш услубига, бетакрор маҳоратиги укувчилар эътиборини қаратиб, таҳлил ва талкин усулларида фойдаланишни тавсия қиламиз.

ГЛОССАРИЙ

АБСТРАКЦИОНИЗМ – (лотинча *abstactio* – узоқлашиш, мавҳумлик) XX асрда аввал тасвирий санъатда пайдо бўлиб, кейинчалик бадиий адабиётга ўз таъсирини ўтказган оқим.

АБСУРД ДРАМА – (лотинча *absurdus* – бемаъни, тутуриқсиз) инсон ҳаёти маъносиз, мавҳум, нима учун яшаётганлигини ҳам англаб етолмайди.

АДАБИЁТ – (арабча ادبيات – адаб сўзининг кўплиги) – сўз орқали инсон туйғу ва кечинмаларини, уни қуршаб турган ижтимоий ҳаёт ва табиатни бутун мураккаблиги билан ифодалаш имкониятига эгадир.

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ – сўз санъатининг ижодий тажрибаларига таянган ҳолда иш кўради, ўз назарий хулосаларини турли даврларда яратилган энг сара бадиий жавоҳирлар таҳлилидан, тарихий-адабий жараённи ўрганишдан келтириб чиқаради.

АДАБИЁТ ТАРИХИ – бирор халқнинг адабиёти, унинг юзага келиши, тараққиёт босқичлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилади.

АДАБИЁТШУНОСЛИК – бадиий адабиёт ва унинг мазмун моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичлари, ижтимоий вазифалари, ижодий жараён қонуниятларини ўрганувчи фандир.

АДАБИЙ АЛОҚА – турли халқларнинг адабий уюшмалари, ижодкорлари орасидаги адабий-ижодий муносабат.

АДАБИЙ АНЪАНА – дунёни бадиий идрок этиш ва ифодалаш соҳасида даврдан-даврга, авлоддан-авлодга ўтиб келган тажрибалар йиғиндиси – эстетик қарашлар, тилдаги образлилик, эмоционаллик ва услубдаги ранг-баранглик.

АДАБИЙ АСАР – бошқа оғзаки ёки ёзма битиклардан ўзида муаллифнинг бадиий маҳорати белгиларини жамлагани билан ажралиб турувчи кўркем адабиёт маҳсулоти.

АДАБИЙ ЁДГОРЛИК – бирор халқнинг муайян даврдаги ҳаёти, тили

ва маданияти, урф-одатлари, ҳақида маълумот берувчи оғзаки ва ёзма адабиёт намунаси

АДАБИЙ ЙЎНАЛИШ ВА АДАБИЙ ОҚИМ. Маълум бир тарихий даврда ўз мафкуравий, бадий-эстетик қарашлари ва тажрибаси билан бири-бирига яқин турган бир неча ёзувчилар ижодидаги ғоявий-бадий хусусиятлар мавзу, ғоя, бадий тасвирлаш тамойиллари бирлиги.

АДАБИЙ МАКТАБ – бирор бир буюк сўз санъаткори ижодининг бошқа ижодкорлар учун бадий маҳорат мактаби вазифасини ўташи.

АДАБИЙ МУҲИТ – муайян замон ва маконда юзага келган, йирик шоир ва адиблар таъсирида шаклланган, ўзига хос анъаналарга эга бўлган ижодий муҳит.

АДАБИЙ ТАНҚИД – (арабча تنقيد – **нақд**) адабиётшуносликнинг мустақил бир соҳаси бўлиб, у адабий жараённи, шу жараёнда яратилаётган асарларнинг бадий-эстетик қимматини, адабиёт майдонидаги ўрнини, муваффақият ва чекланишларини, адабий жараённинг йўналишини аниқлаб, баҳолаб боради.

АДАБИЙ ТУР – адабий асарларнинг қаҳрамонлар ҳаёти ва нарса-ҳодисаларни тасвирлаш тамойиллари, баённинг ким томонидан ва қай йўсинда олиб борилиш хусусиятлари билан фарқланадиган гуруҳи.

АДАБИЙ ҚАҲРАМОН – адабий асар воқеалари қатнашчиси. Бадий асарда иштирок этувчи шахсларга нисбатан ишлатиладиган умумий атама.

АДИБ – адабиётчи, ёзувчи, шоир. Адиб истилоҳи умуман сўз санъаткорига нисбатан қўлланилади, ёзувчи, прозаик, носир, шоир, драматург сўзларига нисбатан кенг маъноли атама.

АКАДЕМИК НАШР – адабий асарларнинг илмий асосда тайёрланган наشري. Асосан мутахассислар – илм аҳлига мўлжалланади, илмий тадқиқот мақсадини кўзда тутаяди.

АНАХРОНИЗМ – (юнонча *ana* – **ташқари**, *cranos* – **вақт**) маълум бир даврга мансуб нарса, урф-одат, воқеа-ҳодисаларни бошқа замонни тасвирловчи асарга киритиш.

АНТИК АДАБИЁТ – (юнонча *antiquus* - **қадимги**) Милоддан аввалги 9-8-асрларда Юнонистонда юзага келган ёзма адабиёт. Бу адабиётнинг илк намуналари «Илиада» ва «Одессия» дostonлари бўлиб, булар «Ҳомер дostonлари» деб ҳам юритилади.

АСОТИР – миф, қадимги кишиларнинг коинот ва табиат

ходисаларининг пайдо бўлиши, моҳияти ҳақидаги тушунчалари асосида яратилган хаёлий асарлар.

БАДИЙ АСАР ТИЛИ – бадий адабиёт тили. Бадий асар мазмунини рўёбга чиқарувчи, муаллифнинг ғоявий-бадий мақсадини китобхонга етказувчи бирдан-бир восита.

БАДИЙ ТЎҚИМА – бадий асарнинг энг муҳим шартларидан бири. Ижодкор бадий асар яратар экан, ўз ғоявий-бадий мақсадини амалга оширишга ёрдам берадиган воқеа-ходисаларни саралайди.

БАДИА – (арабча *بديع* – **мислсиз янгилик; нафис, гўзал** сўзидан олинган) йирик санъаткорлар, олимлар, адиб ва адабиётшунослар, бир сўз билан айтганда, ижод ва ижодкорлар ҳақида яратилган у қадар катта ҳажмга эга бўлмаган бадий-публицистик асар.

ГЕРМЕНЕВТИКА – (юнонча *hermeneutikos* – **талқин, изоҳлаш**) матнларни таҳлил қилиш назарияси ва амалиёти. Диний матнларни шарҳлаш санъати сифатида вужудга келган герменевтика XIX бошлаб ҳар қандай асарнинг ҳақиқий мазмунини шарҳлаб берувчи соҳа сифатида шаклланди.

ДРАМАТИК ТУР – сўз санъатининг асосий кўринишларидан бири. Саҳнада кўйилиш учун мўлжаллаб ёзилган асарларни ўз қамровига олган, театр, рассомчилик ва дизайн санъати билан бевосита алоқадор бўлган адабий тур.

ЖАНР (французча *genre* – **тур, жинс** сўзидан олинган). Мавжуд *адабий тур*лардаги бадий асарлар ҳаётий қамрови, уни акс эттиришнинг шакл ва усуллари жиҳатдан яна ҳам кичик хилларга бўлинади.

КОМПОЗИЦИЯ – (лотинча *compositio* – **тузилиш, тартиб**) бадий асардаги қисмлар, образлар ва тасвир воситаларининг муайян ғоявий мақсадга хизмат қиладиган даражада жойлашиши, уларнинг тасвирдаги мезони ва мувофиқлиги.

ЛИРИК ҚАҲРАМОН – ҳис-ҳаяжони, руҳий кечинмалари ва ўй-фикри билан лирик асарда намоён бўлувчи шахс образи. Лирик шеърда ифода топаётган ўй-фикр, ҳаяжон, қувончу аламли кечинма ва туйғулар кўпинча шоир руҳияти маҳсули кўринишида намоён бўлади.

ЭССЕ – (французча *essai* – **уриниш, синаш**) нарса ва ҳодиса ёки муайян шахс ҳақида муаллифнинг субъектив фикрлари асосига қурилган эркин композицияли, унча катта бўлмаган насрий асар.

ОБРАЗ – адабиёт ва санъатнинг фикрлаш шакли; оллам ва одамни бадиий идрок этиш воситаси.

ПАУЗА – нутқнинг бир текис оқимдаги узилиш, тўхтам.

ЛИРИКА – воқелик лирик субъект ҳис-туйғулари орқали ифодаланади.

БАДИЙЛИК – воқеликнинг бадиий тил асосида образли ифодаси.

БАНД – шеърнинг ритмик – интонацион ва мазмуний жиҳатдан нисбий мустақилликка эга бўлиши.

ВАЗН – конкрет шеърда юзага чиқувчи ритмик ҳодиса, метр, ўлчов.

ДРАМАТИЗМ – бадиийлик модуси. Дратиклик модули сифатида идиллиия, илигия билан бир гуруҳни ташкил этади.

ЖОНЛАНТИРИШ – жонсиз нарса-ҳодисаларга инсон умуман жонлиги мавжудотга хос сифатларни берилиши.

ЛИТОТА – нарса-ҳодисага хос хусусиятни унинг аксини инкор қилиш орқали ифодалашга асосланган услубий фигура.

МЕТАФОРА – нарса-ҳодисалар орасидаги ўхшашликка асосланувчи кўчим тури.

МОДЕРНИЗМ – энг янги, замонавий.

ПОСТМОДЕРНИЗМ – ижтимоий-гуманитар соҳаларда кузатила бошлаган оқим.

ПОЭТИК ТИЛ – бадиий тил.

РАМЗ – символ, кўчим турларидан бири.

РЕАЛИЗМ – мавжуд, ҳақиқий.

СИНЕКДОХА – бутун-қисм алоқаси асосидаи маъно кўчиши.

ТЕНДЕНЦИЯ – тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга муаллифнинг ғоявий-ҳиссий муносабати.

ЛАКОНИЗМ – фикрни ихчам шаклда, дўнда ва аниқ ифодалаш.

КУЛЬМИНАЦИЯ – бадий асарда воқеалар ривожининг энг юксак нуқтаси.

МУАЛЛИФ НУТҚИ – адабий асардаги бевосита муаллиф тилидан берилган баён, тавсиф, изоҳ.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган). Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997.
4. Каримов И.А. Ватанамиз тараққиёти янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
6. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура / Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
11. Абдуллаев О. Шеърятнинг тиниқ осмони. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

12. Абдурахмонов А. Поэзияда инсон тасвири. –Т.: Ўқитувчи, 1985.
13. Абу Наср Форобий. Шеъррий санъатлар. –Т.: Фан, 1977.
14. Акрамов Б. Ҳозирги ўзбек шеърлятида поэтик образ муаммоси. –Т.: 1991.
15. Аристотель. Об искусстве поэзии. –М.: Сов писатель, 1967.
16. Белинский В.Г. Адабий орзулар. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977.
17. Бобомуродов Б. Ёлғиз қолган аёл. –Т.: Ёзувчи, 1996.
18. Буало. Шеъррий санъат. –Т.: Фан, 1978.
19. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т.: Янги аср валоди, 2006.
20. Исмоил Т. Шеър қалби – ёлқини. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.
21. Камол Ж. Лирик шеърлят. –Т.: Фан, 1986.
22. Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. –Т.: Фан, 1964.
23. Каримов Н. М.Юсуф ва ҳозирги ўзбек шеърляти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, № 5.
24. Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
25. Мелиев С. Лирик фожелик // Ўзбек тили ва адабиёти, 1991. № 3.
26. Мирзаев С. Ҳаёт ва адабиёт. –Т.: Шарқ, 2001.
27. Мусирмонов Р. Ватанни онадек, Онани Ватандек севди. // Ўзбек тили таълими, 2004, № 2.
28. Муҳаммад Юсуф. Онангизни кўнглини олинг. // Саодат, 2000. № 6.
29. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. –Т.: Шарқ, 2001.
30. Муҳаммад Юсуф. Булбулга бир гапим бор. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
31. Муҳаммад Юсуф. “Мен қўшиқ ёзмайман”. Мулоқот. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992, июнь.

32. Назаров Б. Бу сеҳрли дунё. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Аабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
33. Назаров Б. Фикримиз дарахти шиддатли ўсар. // Ёшлик, 1985.
34. Норматов У. Ижоднинг қўш қаноти. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Аабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
35. Раҳимжонов Н. Муҳаммад Юсуф лирикасида фольклор анъаналари ва бадий образлар индивидуаллиги. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, № 5.
36. Саидов А. Вақт ҳал қилади. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990 март.
37. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Т.: Ўз. ФА нашриёти, 2004.
38. Тимофеев Л. Слово и стихе. –М.: Сов. Писатель. 1982.
39. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. –Т.: Шарқ, 2002.
40. Шукуров Н. Сўз сеҳри, шеър меҳри. С, Зарафшон, 1992.
41. Эрта сўнган юлдузлар. –Т.: Шарқ, 2004.
42. Эшонова З. Илдизи нақд юракда. // Ёшлик, 1987, № 2.
43. Қаяумов А. Шеърят жилолари. –Т.: Ўқитувчи, 1997.
44. Қодирий А. Ижод машаққати. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
45. Қосимов Я. Уйғониш садолари. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
46. Қўшиқ – миллат қалби. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1999 июнь.
47. Қўшиқ бўлиб қайтаман. СамДУ илмий тўплами, 2004.
48. Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. –Т.: Фан, 2007.
49. Ҳаққулов И. Шеърят – руҳий муносабат. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
50. Ҳаққулов И. Рух, эрк ва ошкоралик. // Ўзбек адабиёти ва санъати, 1990 февраль.

51. Ҳолиқова Д. Муҳаммад Юсуф шеърлятида миллий рух тасвири. // Тил ва адабиёт таълими, 2004.
52. Ҳолиқова Д. Халқчиллик муҳим мезон. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004.
53. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1983.
54. Ҳошимов Ў. Нотаниш орол. –Т.: Ёш гвардия, 1990.
55. Ҳусайний А. Бадойиъ ус-санойиъ. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.